

1-Март Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия таваллуди кун

ДУНЁМ ИЧРА ТОПГАН,

Муҳаббатни буюк қила олган, ниқоҳнинг муқаддаслигини ҳис этган, оилани улугъ неъмат, энг иссиқ гўша деб билган шундай одамлар яшаб ўтдилар-а, дейман.

Суврат қирк-қирк биринчи йилларда олинган бўлса, Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг турмуш курганларига беш-олти йил тўлган, Хулкар ва Омон тугилиб, чопқиллаб ўйнаб юришган чоғларидир бу.

- 1932 йил... Бу сана менга ёш ва ўтли, шиддатли бўлиб кўринаверади, - дердилар Зулфия опа ўнчан ва кўзлари сузгун бир қиёфада. - Мен Ҳамид Олимжонни илк дафъа ўша йили кўрганман. Биз... адабиёт ихлосмандлари ёзувчилар уюшмасидаги машғулотларга борардик. Уни Ҳамид Олимжон ва Ўйғун бошқарарди... Яшириб ўтирмайман, Ҳамид Олимжон илк кўришувларданоқ кўзимдан қалбимга ўтди. Мен жуда ёш ҳиссиётим билан (17 ёшда эдилар. С.М.) унинг кенг қалби, улкан иқтидорини кўрдим.

1934 йили журналлардан бирида шеърим эълон қилинди. Қаранг-ки, эртасига Ҳамид Олимжонга дуч келдим. "Шеърингизни ўқидим, - деди у ошқора меҳр билан. - Яхши! Нимагалигини айтмайми? Шеърда қалбингизнинг суврати бор!" Ушанда уйимизга юриб эмас, учиб келдим. Келибоқ йўл бўйи тугилган туйғуларимни шеърга солдим. Мен бу шеърни шундай енгил, тўлиб-тошиб ёздимки, юрагимга аллақандай афсонавий бир қудрат кириб олиб, фикрларимга, қўлларимга куч бахш этаётгандай эди... 1935 йили тўйимиз бўлди. Мен яйраб яшардим...

Яна сувратга қарайман. Эҳ! Мен буларнинг яйраб яшаган йилларини асрларга узайтириб қўйгим келади.


Девордаги чўгдек палак ҳаёлимни олади. Палакнинг гардиши бор. Кўёши, ойи, юлдузи бор. Наздимда гардиш - бу гўзал оила тисмоли, кўёш, ой, юлдузлар эса мусаффо севги-вафо рамзидир.

Бу палакни Зулфияхонимнинг оналари - мухтарама Ҳадича буви ўз қўллари билан тиккан эканлар. Ҳа, қадим-қадимдан оналар қизларига атаб, кўзларининг нуруни, орзу-умидларини тўкиб, палак тикканлар. "Энг яхши тухфа сифатида берилган ушбу палакни онам янгам билан биргаликда тикканлар, - дегандилар Зулфия опа. - Ўзлари ипак курти боқдилар, пилладан ипак тоналарини ажратиб олиб, бўядилар. Палак шу тариқа яратилди. Ундаги кўёш тасвири кўнглимиз, уйимизга ёруғлик соларди..."

Ана, Зулфия шеър ўқияпти. Талабчан устозим, умр йўлдошим, болаларимнинг отаси бўлган азиз кишига шеърларим маъқул бўлармикан?,- деган нозик бир андиша бор унинг вужудида. Нафис, беозор чехрасида ибб, ҳаё яширин.

Ҳамид Олимжонга қаранг. Бахтни, баҳорни, тоза муҳаббатни ёниб қуйлаган ва қалби шундайин тоза туйғуларга тўлиқ бўлган шоир сулув маҳбубасининг шеърларини кўзларида гурур, ифтихор, бахтиёрлик наъъаси билан тинглаётган. Ва наздимда юрагининг туб-тубида шундай сатрларни ёзапти:

**Кечир мени, нозли малагим,
Сени мақтай олмасам тайин.
Сенга шунча чирой берган ким-
Айтиб бергин уни мақтайин...**
Энтикиб, кўзларимда ёш билан ўқий-



Кўзингни, қалбингни нурга чулғайдиган ушбу гўзал сувратни устоз Зулфияхоним илтимосимга биноан менга тақдим этгандилар.

ДУНЁМСАН, ХАЛҚИМ!

ман бу сатрларни. Эҳ, бир-бирини тушунган, бир-бирини ҳаётнинг ҳар қандай зарбаларида қўллаб-қувватлаган, меҳрли, хотиржам бир оилга кўз тегди. Ҳамид Олимжон бевақт вафот этди. Булар бор-йўғи ўн йил (1935-1944) бирга яшашди. Лекин руҳан биргалик абадий қолди.

- Ўн йил ўн кундек туюлди, - дегандилар Зулфия опа яна бир суҳбатимизда. - шеър баҳси, Хулкар ва Омон қувончи, севиш-севилиш, меҳнат ва ижод билан ўтди... Ҳамид Олимжон жуда қаттиқ ишларди. У аниқ мақсадли, собит ишончли, қатъий интизомли инсон эди. У ижодга ҳам, оиллага ҳам, дўстлари асарларини ўқиб, фикр айтишга ҳам, ёрдами керак одамларга кўмак беришга ҳам - ҳамма эзгу ишларга улғурарди...

Дарвоқе, ўн йил давомида буларнинг ҳаётида қийинчиликлар, муаммолар бўлмаган дейсизми?! Улар тўйдан сўнг кичик-кичик учта хонадан иборат коммунал уйда яшашди. Яна денг, бу хоналарнинг бири ошхона учун ажратилди. Ҳеч қандай шароити йўқ бу уйга ташқаридан сув ташиб келинар, керегаз ёқиб овқат пишиқардилар. Қишда темир печкага ўт ёқиб, биргина хонани иситиш мумкин эди.

Ҳозирги ёшлар керосин билан ёнадиган қора керегазни, битта хонада ётти кишининг яшашини тасаввур ҳам этолмайдилар. Зулфия, Ҳамид Олимжон, Комила буви ва Комила буюнинг фарзандлари Сарвар ака, Асолат, Рохат, Саҳобат ва Муҳаббат. Кейин эса Хулкар, Омон... Хай, кўнглил кенг, ўртада иззат-хурмат устивор бўлгани учун ҳам бу оилда қийинчилик сезилмагандир.

1942 йили улар Ҳамид Олимжон курган янги уйга кўчиб ўтадилар. Кейин эса...

Хижрон! Барибир Зулфия Ҳамид Олимжонни соғинганида яйраб яшаган ўша кунларни кўмсаб, излаб, ўша таниш уйга кириб борарди.

**Бунча иссиқ, бунча ҳам шинам,
Ёшлик кечган торгина шу жой.
Бунда яшар ажиб онлардан,
Ишқ-ла ўтган тунлардан чирой...**
Бундайин мусаффо, қадрли туйғу, азиз хотира шоирани яшашга, шоир учун ҳам яшаб, шоир учун ҳам қуйлашга даъват этади.

**Баҳорга бурканган сен севган элда,
Овозинг янгради жўшқин**

забардаст.

Ўлмаган экансан, жоним сен ҳаёт,

Мен ҳам ҳали сенсиз олмадим

нафас.

Ҳа, шоира қалбига хижрони, қўлида сози билан ҳаётни қуйлади. Меҳнат қилди. Аламни енгди. Фарзандларини ҳам ота, ҳам она бўлиб, вояга етказди. Катта шоир бўлиб кетди. Юзлаб бўлғуси шоирларга жонқуяр мураббий бўлди. 35 йил давомида "Саодат" журнали бош муҳаррири сифатида, унинг ҳар бир хонадонига кириб боришига, азиз ва муқаррам бўлишига, адади бир миллион нусхадан ошиб кетишига эришди. Минглаб дўстлар, мухлислар орттирди.

Кейинги йилларда мен устоз Зулфия суҳбатини, шеърларини соғинсам ҳар гал Хулкар опа ҳаётини ошқаман. Ва у билан учрашувимиз нақадар файзли, ҳузурли ўтади. Хулкар опа Ҳамид Олимжон ва Зулфия шеърларини мароқ билан, муҳаббат ва соғинч билан ўқийди.

Бу гал Хулкар Олимжон ва ҳузурига қўлимдаги ўша азиз суврат билан кириб бораман.

- Хулкар опа, - дейман. - Сиз мана шу катта шоирларнинг қизи, Академик ёзувчи Ойбек хонадонининг суюкли кели-

ни ва олима, университет ўқитувчиси сифатида танилгансиз. Барибир жуда камтар, оилда ҳам жуда меҳнаткаш ва яхши пазадасиз. Ўз оилангизга ҳам ва албатта Зулфия опамизга ҳам парвона бўлишга улғургансиз.

Хулкар опа бироз ўйлаб, мақтовдан ўзини ноқулай ҳис этиб, аста жавоб беради:

- Болаликдан ўша керегазда сув иситиб, идиш-товоқ ювиб, кир ювиб, уйлари ва бир қанча оилалар учун умумий бўлган катта ҳовлини супириб-сидириб вояга етдим. Бизнинг оилда сипо яшаб, камтарона кийиниш, озодаликка, паст овозда сўзлашга рия қилинарди. Дадам шундай талаб қилардилар. Аям бир марта қўйлақларига чиройли тўғноғич тақсалар, дадамга маъқул бўлмаган. Шу-шу аям бир умр зирак ҳам, узук ҳам тақмадилар. Ула-элик, лаб бўёгини ҳатто қўлларига ушламадилар. Сипо, одми кийиндилар.

- Ҳа, Зулфия опа билан мен 20 йил бирга ишлаб, ялтироқ кийим ё бирон зеби-зийнат тақанларини кўрмадим, Хулкар опа. Табиий гўзаллик, сарв қомат, сузук кўзлар, пайваста қора қошлар - ҳар қандай зеби-зийнат-у пардоздан устун эди. Зулфия опамизда... Мен устознинг қатор қайнсингиллар, қайнука ва Комила буви билан бирга яшаган йилларида ўзларини қандай тутганларига ҳам қизиқаман.

- Комила буюмни аям жуда қаттиқ севардилар. Иззат-хурмат қилардилар. Бувингдек оқила аёл бошқа бўлмаган. Мен бувингдан ота-она меҳрини, ардоғини кўрдим. Мен бувингнинг сира қалқмас ишончига сазовор бўлдим, дердилар. Бувим ҳам аямни ўз қизларидан аъло кўрардилар. Хиёль кечиксалар, дарвоза ёнига чиқиб кутиб ўтирардилар. Аям қайнсингиллар ва қайнукаларининг ўқишига, ҳаётда тўри йўл топиб олишларига, тўйларига меҳр билан, ардоқ билан бошқош бўлганлар. Бир умр қўлларидан келган ёрдами ямаганлар.

Устоз машҳур "Мушоира" шеърда жаҳон шоирлари мушоира даврасига пойафзалларини ечиб, тозаланиб кирганларини ёзадилар. Демак, шеърятга, севги оламига, оила эҳромига ҳам бор қусурларни мисоли оёқ кийимидек ечиб, покланиб кирмоқ нақадар жоиз ва улугъ саодатдир. Ана шунинг учун ҳам Зулфия улугъ инсон, катта шоира бўлиб, халқ ардоғида яшади. Жаҳон мушоираларида овози балинд жаранглади. Халқаро мукофотлар, соҳна-жаранглар соҳибаси бўлди. Катта анжуманларнинг тўридан жой олди...

Суҳбатлари мухтасар, сўзлари мунаввар, муҳаббатига, халқига садоқатли шоирамиз ҳаммининг дилида, тилида яшаб қолди. Шоир Миртемир Зулфияга "Тонгинг ўзидай рост ва ёрқин!" деб таъриф бергани нақадар ярашғulik. Демак, ҳар бир аёл у ким бўлишидан қатъий назар аввало пок бўлсин! Тоza муҳаббатни, ҳалолликни, аҳдига, сўзига вафони шоир қилсин. Зулфиядек эътиқоди, имони бутун, обрўли бўлсин! Зулфиядек халқига айтар сўзи балинд пардаларда жарангласин!

Ўзинг ташна эдинг, ўзинг сув

тутдинг,

Қалбимдаги саҳрои, дарёман,

халқим.

Сени сева-сева мен бойиб

кетдим,

Дунём ичра топган, дунёмсан,

халқим!

Санъат МАХМУДОВА



Менинг назаримда оила - кичик бир салтанат. Оиланинг гуллаб-яшнаши, ундаги аъзоларнинг ўз вазифасини қай даражада адо этишларига боғлиқ. Қадимда юртлар ўртасида бўлган урушларда бир мамлакат голиб бўлаверибди. Бунинг сири нимада эканини билмокчи бўлган мағлуб давлат шоҳи ўша юртга ўз айғоқчисини юборибди. У мамлакатда бир ой муддат яшаб, шундай қарорга келибди: "Бу давлатнинг хар сафар зафарга эришувиде аёлларнинг хиссаси катта экан. Улар ўта ақлли, зийрак бўлиб, ўз хўжайинларига, фарзандларига ҳаммаша тўғри маслаҳат берад эканлар. Бунинг сезган айғоқчи дарҳол ўз юртига бориб, кўрган-кечирганларини шоҳга маълум қилган экан.

Аёллари ақлли юртда, Улғайди ҳаққа васийлар. Ватан бўлар минг йил

Бахтли яшар мўмин осуда, осийлар.

Матахассислар фикрича, ўғил болаларда онгнинг ривожланиши қиз болаларга нисбатан кечроқ бўлар экан. Шунинг учун оила қурилганда ҳам қиз ва йигитнинг ўртасидаги тафовут 3-6 ёшни ташкил этса мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки ўзи тенги ёки 1-2 ёш кичик турмуш ўртоғининг оддий нарсаларни зийраклик билан англаётганини сезган аёл оилада ўзини усун қўя бошлайди. Қарабсизки, кичик мамлакатда катта-катта фожеалар келиб чиқаверилади.

Бунга мисол келтиришим мумкин. Мен касалхонада бир аёл билан танишдим. У тўрт фарзанднинг онаси, энг кичикина боласи 1 ёш эди. Унинг турмуш ўртоғи ўзи билан тенг. Аёлининг айтишича эри рўзгорини эплай олмагани учун тижорат билан шуғулланар, Москва-Тошкент оралиғида катнаб,

оила таъминотини, умуман оилани ўзи бошқарар экан. Мен ундан сўрайман:

- Жажжи фарзандингиз ҳали жуда ёш экан. Уни қандай қилиб ташлаб кетасиз?
- Эрим эплайди, ош-овқатни ҳам ўргатиб қўйганман. Шу кун "эр" майда-чуйда билан хонага кириб келди. Хотин унга дағдага қилиб: "Овқатни тугиб келишга бошқа тозарок сочик топиладими? Менга бошқа гулли халатимни олиб келинг, деган эдим. «Кока-кола» ни-ку ёмон кўраман, боринг, менга "фанта" олиб келинг".

Эр итоаткорона чиқиб кетди. У кетгач хонадаги бошқа аёллар:
- Бу аёллар хонаси бўлса, индамай кириб келмасинлар, айтинг, - деб эътироз билдиришди ва қўшиб қўйишди. - Тоза сочик, гулли халатингиз қаерда турганини эркак киши қаердан билсин. Бугун бўлмаса эртага олиб келарлар. Овора қилдингиз-да.

- Вой, тагига машина олиб

учун вақт ажратилган. Лекин, ҳамма ҳам улар меҳрига зор гўдак ёнида бўлишайптими. Йўқ! Баъзан ҳафталаб, баъзан ундан кўпроқ вақт ўзга юртлардан мол олиб келиш, ўзларига муносиб бўлмаган оғир-оғир юкларни кўтариб келишгаётганига бефарқ қараб бўлмайди. Етишмовчилик шунга мажбур қилипти, дейишади. Қадимда шундай қийинчиликлар бўлмаганими? Бўлган, албатта. Оналаримиз, бувиларимиз қаноат билан, ақл-идрок билан уларни енгганлар.

Шу ўринда мактабни битирган заҳоти қизларига бирор касб-хунар ўрганишга имкон яратмай узатиб юбораётган оналарга ҳам эътирозим бор.

Ҳа, эри боқиб олар қабилида иш тутиш яхши натижаларга олиб келмаслигини ҳаётда кўрганим учун айтаяпман. Ёдгора исмли қизини она: "Бошида отаси йўқ, эри боқиб олар, ҳарна кутулганим" деб узатиб юборди. Ёдгора кўп йиллар бахтли яшади. Лекин у 5 та фарзанднинг онаси бўлганда эри тўсатдан вафот этди. Ёш болаларни еди-

МУЛОҲАЗА, МУШОАҚА, МУНОЗАРА



ТАНИШИНИГ: ЗУЛФИЯ МУКОФОТИГА НОМЗОД

Дилфуза БЕКНАЗАРОВА

Самарқанд вилоятининг Қўшробот туманида яшайди. Унинг бадийий ижодга бўлган ихлоси балола. Шеърларидаги ижодий курашчанлик, шижоат кишини ўзига мафтун этади.

Елмоқдадир еллар бўрони,
Кучаймоқда шовқин сурони.
Қулоқ солсам дил нолалига,
Урмоқдадир юрак тугёни.

Кувончим-у қайгуларни ҳам,
Туширдим мен оппоқ қоғозга.
Орзуларим шеъримга қанот,
Шайлангирар олис парвозга.

Битган шеърим, куйим, ашъорим,
Қоғозларда қолиб кетмасин.
Овозимдан созланган торим,
Бир кун мендан нолиб кетмасин.

Майли, мендан боримни сўра,
Фидаликка тайёрман ҳар он.
Ҳаммасига розиман аммо,
Шеърларимдан кечишим гумон.

ОНА ТАБИАТ ОШИҚЛАРИ

Синдбод Қобилов - Тошкент миллий рассомлик ва дизайн институтининг талабаси. Ўтган йили ёзги таътилда бир ғуруҳ дўстлари билан Тянь-Шаннинг гарбий этаклари бўлимиш Чимён тоғ тизмаларини кезиб чиқди. Йигирма кун давомида Сирдарёнинг Ўзбекистон ҳудудидан ўтган қисмини резина қайиқда сузиб чиқди. Синдбод 1991 йилда, ўн бир ёшида "Амир Темур юрган йўллар бўйлаб" уюштирилган илмий экспедицияда иштирок этиб, узунлиги 850 метрли горнинг сўнгги тубигача борганлардан бири...



Сувратда: Синдбод Қобилов саёҳатчи дўстлари билан «Она юрт табииати, тоғу даралари, дарёлари, яйлову қирлари-бари-бари нақадар гўзал, бу заминда яшаш, нафас олиш эса бахт-саодатдир. Мен тенгдошларимни ана шу гўзалликлардан, соғлом турмуш гаштидан баҳра олишга чақираман»-дейди ёш саёҳатчи.

МЕҲР-ОҚИБАТ ЧЕГАРА БИЛМАС ЭКАН

Тошкентлик Жалил Султонов билан кўришган кунимиздаёқ бизга шарт қўйди: "Мени мактаб ўтирманлар. Бу одам ўтганларнинг руҳини шод этиб, японларга яхшилик қилиб юрибди, деган ниятда кўрсатув тайёрлаймиз десаларинг айтиб қўяй, мен гуноҳга ботиб қоламан. Бу ишларим миннатга айланиб кетади. Шунинг учун..."

Тўғриси, қахрамонимизнинг бу гапи аввал бизга сал оғир ботди. Лекин кейин, у кишининг ўз уйида очган Хотира музейи билан танишган, барча шубҳа-гумонларимиз таркаб кетди. Жалил ака тўплаган ноёб манбалар, сурат ва буюмларнинг деярли ҳамма-



си 40-йилларнинг охири, 50-йилларнинг бошларида шум тақдир тақозоси туфайли Ўзбекистонга келиб қолган япон ҳарбий асирлари ҳаёти,

қисмати ҳақида ҳикоя қилади. Албатта, бу маълумотларни тўплаш, йиғиш у киши учун жуда осон кечгани йўқ. Бунинг учун энг аввало ҳафсала, вақт ва асосийси, сабр-бардош керак.

Қисқа вақт орасида неча юзлаб ҳужжатлар билан бирга япон мусофирлари кўмилган, лекин шу пайтгача номаълум бўлиб келган қабристонлар ҳақида ҳам юртдошларимизнинг ўзлари эшитган, кўрган ва билган турли ҳаётий ҳикояларини Жалил акага айтиб

беришибди.

- Энг савобли ишлардан бири Ўзбекистонда бугунги кунда уларнинг муборак ҳоклари ётган манзилларнинг деярли барчаси ободонлаштирилди. Энди Япониядан келадиган ҳар бир япон юртимизда ўтганларнинг руҳини шод этиш йўлида қилинаётган бундай хайрли ишларни кўриб энг аввало Президентимизга, қолаверса халқимизга ўз раҳматларини айтиб кетишяпти, дейди Жалил ака суюниб.

Ҳайлаб қоламиз: қахрамонимиз анча йиллар номаълум бўлиб келган, тўғриси, тақдири ҳақида ўрганиш қатъий таъқиқланган инсонлар қисмати ҳақида ҳаяжонланиб сўзлар экан, хатто ўз яқинини, жигаргўшасини топган инсондай кувониб сўзлаётганини кўриб

хайратга тушамиз. Нима дейсиз, балки бундан хайратланмишга ҳам ўрин йўқди. Негар десангиз, қанийди, ҳамма одамлар, сиз, биз, ҳаммамиз, барча халқлар, миллат ва элатлар ҳам бир-бирларининг ўтмиши, қисмати билан шу тарада қизикса, балки ана шунда биз учун хайратланарли бўлиб туюлаётган бундай савобли ишлар жуда оддий бўлиб кўринармиди? Балки...

Яхшиси, келинг, 29 феврал кунини Ўзбекистон телевидениесининг биринчи дастури орқали намойиш этиладиган "Яхшилик" кўрсатуви қахрамони Жалил Султонов ҳаёти билан, фаолияти билан экран орқали танишсангиз тўла тасаввурга эга бўласиз.

Норқобил ЖАЛИЛ,
кўрсатув муаллифи

ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ



Республика Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, полковник Манноп Аҳмедов ҳарбий машқлар ҳусусида йигитлар билан суҳбатлашмоқда.

Ўзбекистоннинг хонадонидида улғаяётган ҳар бир ўғил "Катта бўлсам аскар бўламан", - дея ният қилиб яшайди. Ўз йигитлик бурчини ўтаб кишлоғига қайтган аскарга нисбатан бошқаларнинг эътибори ҳам ўзгача бўлади: "Отасига раҳмат", - дейди кексалар қўлларини дуога очиб. Ана ўша аскар деган номни оқлаш учун эса йигитлардан жуда кўп матонат, меҳнат, жанговар қобилият талаб қилинади.

дислик Билим юртида ташкил этилган семинарда иштирок этиб, ушбу саволларимизнинг ечимини топгандек бўлди.

Семинарнинг очилиш маросимида Мудофаа Вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, полковник Манноп Аҳмедов мустақиллик йилларида ҳарбийлар ҳаётидаги ўзгаришлар, янги жорий этилаётган қонун-қоидалар ҳақида гапириб берди.

Лавҳа



Курсант Дилшод Алибоев (чапда), кичик сержант Азиз Турдиматов.



Курсантлар Акмал Бобомуродов ҳамда Элмурод Мўминовлар ўқув раҳбари- Игорь Бойко раҳбарлигида ўз ҳарбий билимларини ошириб боришмоқда.

Биз ҳарбий йигитлар ҳаёти билан ҳам танишдик. Дастлаб, зирхли техника қуролларини ишлатиш кафедрасига ташриф буюрдик.

- "Биринчи мартаба танкка ўтирганимда ўзимга нисбатан озроқ ишончсизлик пайдо бўлганди. Мана ҳозир танк бошқариш техникасини мукамал ўрганиб олдим", - дейди кичик сержант Файрат Обидов.

- Ҳар гал қўлимга автомат олиб ҳарбий машғулотларни бошлаганимда кўз олдимда уйим, онам, сингилларим намоён бўлади. Уларни ана шундай осуда ҳаёт билан таъминлаш менинг зиммамда эканлигидан хурсанд бўламан, - дейди курсант Эшмурод Мўминов.

Шунингдек, биз жангги бошқариш синфида, очиқ майдонда ҳарбий машқлар олиб бораётган йигитлар билан ҳам суҳбатлашдик. Тошкент ҳарбий округининг сержантлар тайёрлаш мактаби, сафарбарлик чакируви резерви хизматида жалб қилинган йигитларни ўқув ва хизмат жараёнини кузатдик. Компьютер хоналари, ётиш ва овқатланиш хоналаридаги шароитлар билан ҳам танишиб чикдик. Бу йигитларнинг барчасида сергакликни ҳис этдим.



Курсантлар -Достон Махмадалиев, Зойир Соҳибоевлар

Бугун ватанни ана шундай мард, жасур ўғлонлар ҳимоя қилаётган экан, эртанги кунимиз албатта тинч ва порлоқдир.

Нигора Йўлдошева
Сувратлар муаллифи
М. МИРСОДИҚОВ



Зирхли техника қуролларини ишлатиш кафедраси бошлиғи подполковник Муҳаммадсодиқ Абдиқодиоров (ўнгда) ва кичик сержант Файрат Обидов.



Тошкент шаҳар Акмал Исромов тумани ФХДБ бўлими мудираси Зулфияхон Мирҳамидова билан суҳбат.

- Зулфияхон опа, оиланинг мустаҳкамлиги кўпроқ кимларга ва нималарга боғлиқ?

- Оиланинг мустаҳкам бўлиши учун нафақат турмуш қураётган икки ёш, балки уларнинг ота-онаси, атрофдагилар, ҳамда жамият ҳам маъсул.

Аваллари ўқимини қизларни фақат касбига қизиқиб келин қилишса, энди "ширинлик пиширишни, тикишни биладими?", деб сўрайдиган ҳам бўлишган. Энди оиланинг қонуний ва ҳуқуқий томонлари ҳақида ҳам фикрлашсак. Биз оталаримизни оиланинг устуни деб билсак-да, лекин хонадоннинг тинчлиги, кут-барака асосан оналарга боғлиқ. Шунинг учун ёшларимизга мустақил ҳаёт ҳақида мукамал тушуنча беришга уринамиз.

"Оила кодекси"нинг 17-моддасида ёшларни никоҳлари қайд қилинмасдан аввал тиббий

РЎЗҒОР БУТ, КЎНГИЛ ХОТИРЖАМ БЎЛСА...

кўриқдан ўтиши кераклиги белгилаб қўйилган. Чунки янги қурилган оилада болалар саломатлиги уларнинг руҳий ва жисмоний етуқлиги катта аҳамиятга эга. Айниқса аёл соғлигини асраш, миллатни асрамоқ билан баробардир.

- Никоҳдан олдин тиббий кўриқдан ўтишининг моҳиятини ҳамма ҳам тўғри англаётими?

- Ёшларни тиббий кўриқдан ўтказиш масаласида аввалгига тортиниш, иккиланишлар бўлди. Ҳатто унга шубҳа билан қараганлар ҳам топилди. Биз эса тинмай тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бордик. Натига ёмон бўлмади. Айниқса Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 январдан қонуний кунга кирган "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги Низом" бизнинг фаолиятимизда катта ўзгариш ясади. Ушбу Низомнинг асосий мақсади эса соғлом оилани шакллантириш ва ирсий касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олиш.

Никоҳланувчи шахсларнинг бир-бирини жисмоний ва руҳий соғлиғи ҳақида маълумотга эга бўлмаслиги ўз-ўзидан салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Муҳими, барча тиббий текширувлар бепул, ҳар бир ёш тиббий-ирсий масалалар бўйича малакали мутахассисларнинг маслаҳатини

олиши мумкин.

"Оила кодекси"нинг 17-моддасида тиббий кўрик фақат никоҳланувчи шахсларнинг розилиги билан амалга оширилиши қайд этилган. Текширишда натижа си шифокорлик сири ҳисобланади ва у мижоз ихтиёри билангина бошқаларга маълум қилиниши мумкин. Никоҳни қайд этишда никоҳланувчи фуқароларнинг тиббий кўриқдан ўтганликлари, текшириш натижаларидан хабардорлигига ишонч ҳосил қилиниши керак. Никоҳдан ўтувчиларда бирор касаллик қайд этилса, турмуш қуриш-қурмаслиқни уларнинг ўзалари ҳал қилишади. Агар истасалар уларнинг оила қуришларига қонун қарши эмас. Шунинг учун ҳам никоҳ қайд қилинмасдан олдин тиббий кўриқдан ўтишга одадий ҳол деб қараш керак. Йигит ва киз ўртасидаги никоҳга катта-ю кичик бирдай жиддий ёндашиши зарурлиги Ҳудисларда ҳам айтиб ўтилган. Шундай экан, оила қуриш ва фарзанд туғилиши билан боғлиқ муаммолар ечимини излаб топишда ҳар биримиз имкон қадар бош қўйишимизга тўғри келади. Зеро болаларнинг соғлом ўсиши, соғлом жамиятни яратишга асос бўлар экан, буни биринчи навбатда ота-она тушуномли зарур.

Хуқуқий дарсхона

- Суҳбатингиз учун ташаккур. Хулқар ҲАМРОЕВА суҳбатлашди

Скамейкада ўтириб, хаёл сураётсам ёнимга бир тўда йигитлар келиб ўтиришди. Ҳаммасининг қўлида уяли телефонлар. Бўйинларида кўша-кўша тилла тросслар. Уларнинг гапирган гапларини эшитган одамнинг тепа сочи тикка бўлади. Улардан биттаси гап бошлади:

- Кечкурун соат бирлар чама-си эди. Бир ошнам келди. Хай-

Кулоққа чалинган гаплар

Ошнам ҳам хурсанд. Кизнинг ҳам юзи ёруғ бўлди. "Дўст шунақа кунда керак бўлади-да", - деб ўзини мақтаб қўйди. Афсуски ўша йигит: "Турмуш ўртоғимнинг қўлини ҳеч

ДИЁНАТ ҚАЙДА ҚОЛДИ?

рон бўлиб чиқиб қарадим. Машинанинг ичида юрадиган кизи. Ошнамнинг турмуш ўртоғи ва 2 фарзанди бор эди. Лекин ўша киз билан учрашиб юради. Кизча 8-синфда ўқирди. Ўртоғимни севиб қолганди. Кизнинг отаси жудаям бой бўлиб, қўлини қаерга узатса етадиган инсон. Агар кизининг ошнам билан юрганини билса, тириклайин гўрга тикади. Эртага унинг тўйи бўлиши керак экан. Шунинг учун уни "онадан янги туғилгандай" қилиш учун олиб келибди. Мен воқеани тушундим-да, дарров кийиниб чикдим. Ўзим таниган-билган шифокорга олиб бордим. Ярим соатдан сўнг киз бир ҳолатда чикди. Ошнам уни уйига олиб келди. Эртаси кун тўй бўлди. Ҳеч ким, ҳеч нарсани сезмади.

ким ушламаган, у ўзини менга бағишлади", - деб ўйлади. Аммо у бошқа бировники бўлиб бўлганди. Шуларни ўйладим-у, ўша йигитга лаънатлар ўқидим. Қиз 8-синфда ўқиганда у фарзандли эди-ку. Нега фарзанди қатори кизни йўлдан урди? Бу сўзларни эшитиб ҳайрон қолдим. Ахир, орият, диёнат қаерда қолди? Наҳотки ўша йигит бир куни келиб бу номардлиги ўз қизига қайтиши мумкинлигини ўйламадийкин? Ўғлига шундай киз учраса-чи? Ахир, бу қайтар дунё-ку, шундай эмасми? Ҳар ҳолда ўша йигитга жуда ачиндим.

Нигора ЗАРИПОВА

- Мен Қашқадарёдан кўнғироқ қила-
япман, - дея ўзини Акмал деб таниш-
тирган йигит мақсадга ўтди.

- Асли самарқандликман. 80-йиллар-
да чўлни ўзлаштиришда иштирок этиш
учун ёшлиқнинг бебош шамоли билан
чўлга келиб қолганман. Шу ерда
икки-уч йил яшаб, таниш-билиш орт-
тирдим. Оқ-қорани танидим. Ота-онам
қанча зўрламасин Самарқандга қайтиб
бормадим. Чунки ишларим яхши, му-
ҳими бир қизга боғланиб қолгандим.
Уйдагилар ўз қариндошимизга уйлаб
қўймоқчи эди. Мен кўнмадим. "Хоҳ-
ласаларинг шу қизни олиб берасиз-
лар, бўлмаса умуман уйланмайман", -
деб шарт қўйдим. Ноилоҳ ота-онам
рози бўлишди. Лекин қизнинг ота-
онаси: "Узоққа қиз бермаймиз, шу
ерда яшаса розимиз", - деб ай-
тишди. Шу шарт бўйича тўйи-
миз ҳам бўлиб ўтди. Ҳар 6
ойда, бир йилда Самарқанд-
га бориб келардим. Охири
борди-келди ҳам номига
бўлиб қолди. Инсон қаер-
да яшаса мослашаркан.
Чўлнинг чанг-тўзони, тун-
лари тумонат бўлиб чақа-
диган пашшаларга ҳам
кўникдим. Шахсий уй-
жойим, машинам, худого
шукр 3 та фарзандим ҳам
бор. Кенжамни уйлаб қўйсам, қарзим-
дан қутуламан. Катталарини уй-жой-
ли қилиб, эгасига топширганман. Ле-
кин менга нимадир етишмайди. Хотин-
нинг қариндош-уруғининг кўпчи-
лиги шу ерда. Нолимайман, тўю-маъ-
ракаларимда бош-қош бўлишади.
Оилада хотинининг айтгани айтган,
дегани деган.

- Кечирасиз, гапингизни бўламан,
боя айтганингиздай ҳамма нарсан-
гиз етарли бўлса, сизга яна нима
керак?-сўрайман мен.

- Менгами, эрк керак, эрк.

- Оила қурганингизга салкам
ўттиз йил бўлибди, шунча йилдан
бери эркингиз йўқмиди?

- Сиз менинг гапимни бўлмаган,
ҳозир ҳаммасини айтман.

- Бўпти, бемалол.

- Нима деяётганим ҳам эсимдан чи-
қиб қолди.

- "Менга эрк керак", деганингиз.

- Ҳа, уйланганимдан кейин бир йил-
ча Лайли Мажнун бўлиб яшадик. Кей-
ин хотинимнинг қилиқлари чиқа бош-
лади. Ҳар бир қадамимни ўлчайдиган,
уйга дўсту ёрларим келса қовоғидан
қор ёғиб қутиб оладиган одат чиқар-
ди. Менинг қариндош-уруғларим Са-
марқандда бўлса, ким биландир дард-
лашишим, кўнглимни ёзишим керак-
миди? Унингча эса унинг қариндошла-
ридан бошқа ҳеч ким бизнинг уйга
қадам босмаса... Мен ҳеч кимникига
бормасам. Муддаоси шу. Биринчи
фарзандим туғилди. Шу боланим ота
меҳрига зор қилмай деб тишимни
тишимга босдим. Кейин иккинчиси, учин-
чиси, ҳуллас болаларимга ипсиз боғ-
ланиб қолдим. Ўзим ўқитувчи бўлиб
ишлайман. Оилада сал келишмовчи-
лик бўлса, хотинимнинг қўли бигиз,
дарвозани кўрсатади. Элликка яқин-
лашганимда қайтадан оила қуриб,
уй-жой қилишга вақту соатим етадими,
йўқми худо билади..

- Сизга биздан қандай ёрдам керак?

- Айтганларимни газетда ёритсан-
гиз. Менга-ку Самарқанднинг йўла-
ри энди берк. Қолган умримни ўзим
пиширган ошни еб ўтказаман. Бала-
ғат ёшдагиди қизларнинг чиройли
қошу қўзларига учадиган укаларимиз-
га менинг тақдирим ўрнатилган бўлса ажаб-
мас. Агар ота-онам айтганидай қарин-
дошимизнинг қизига уйланганимда
ҳам, ўз қишлоғим ёки ўзимизга яқин-
роқ жойдан уйланганимда бундай
бўлмасдим? Нима бўлганда ҳам мен
ота-онамни норози қилдим. Қарин-
дош-уруғимдан бегоналашиб кетдим.
"Мусофир бўлмай мусурмон бўлмас",
деганлари шу бўлса керак.

Акмал ака бу гапни шундай бир ҳазин
оҳангда айтдики, унда ёшлик, бебош-

лиқнинг афсус-надомати, туғилиб ўсган
қишлоғига соғинчи, чек-чегарасиз пу-
шаймонлик бор эди. Ҳар ким ўзи йўл
қўйган хатони тан олиши, тавба-тазарру
қилиши яхши. Халқимизда: "Одамнинг
олдига одам боради", - деган гап бор.
Акмал ақанинг хотини нега одам исини
ёқтирмаслиги мени ўйлантириб қўйди.
Балки бу ҳолатга
Акмал ақанинг
ҳам ҳисса-
си бор-

гапи тугамай иккинчисини бошлаб юбо-
ради. Шу тарафлама аёлларга қойил қол-
май илож йўқ. Ҳам гапиришди, ҳам гап-
ни бемалол қабул қилишади. Шу дамда
айнан шу ҳолат эди.

Мен бу бепул томошани эшакка суян-
ганча кузатиб тургандим, амакимнинг оёқ
товуши эшитилди. Ўғрилиб қарасам ик-
кита зогора нонни кўлтигига
қисиб келаётган экан.

Бир томондан ёш-
лик қилган-
ман, ик-
кинчи то-



дир. Бу менинг шахсий фикрим. Шу
ўринда қўлга маълум бир ривоятни қис-
тириб ўтсам. Бир йигит уйланибди. Хо-
тини ипакдай мулоим, қадду-қомати
ҳам, ҳусни ҳам ҳеч кимдан кам эмас экан.
Бир куни уларнинг уйига эрининг дўсти
келиб қолибди. Тўкин бўлмаса ҳам бо-
рича дастурхон ёзилибди. Ертўлада ас-
раб қўйган битта қовунлари бор экан. Эр
шунки келиши хотинига буюриб-
ди. Хотини қовунни чиқариб эрига: "Мана
олиб келдим", - деса, эри: "Э, уни эмас,
бошқасини олиб чиқ", - деб бақриб бе-
рибди. Ўзи бор-йўғи битта қовун бор
экан, келин шўрлик эса иккинчи қовун-
ни қаердан олиб келсин.

Хотин индамай чиқиб кетиб ақлини иш-
латибди. Бир оз ташқарида туриб яна
шу қовунни киритиб, бошқа томонини
кўрсатибди. Эр яна боғли гапни такро-
лабди. Яна хотини индамай чиқиб ке-
тиб, бир оздан сўнг яна шу қовунни ки-
ритибди. Эр: "Топдинг, мен шу қовунни
мўлжаллаган эдим", - деб қовунни хо-
тинининг қўлидан олибди. Бу ҳолнинг
ёлғонлигини дўсти фаҳмламабди ҳам.
Қиссадан ҳисса шуки, бир ёштакда бош
қўйган эр-хотин бир-бирини меҳмоннинг
олдида изза қилмаслиги, бир-бирининг
ори учун курашмоғи лозимлиги ўқти-
рилмоқда, ривоятда.

Мавриди келганда ўзим гувоҳи бўлган
икки воқеани ҳам эсга олиб ўтсам. 1962
йил биринчи синфда ўқирдим. Ўша йил-
лари бугдой нони уёқда турсин арпа,
зоғора нонга ҳам одамлар зор бўлиб қо-
лганди. Бир куни уйимизга меҳмон ке-
либ қолди.. Ўша куни бобом бир пудча
маккажўхори эшакка ортиб тегирмонга
тортиб келиш учун кетгандилар. Бувим
меҳмонни уйга бошлаётиб амакимни ён-
ларига чақирди ва қулোগа нимадир деб
шивирлади. Амаким қўшнимизникига
қараб югуриб кетди. Ўзингиз биласиз, 4
та аёл бир жойга тўпланса, бирининг

мондан қорним оч бўлса керак-да, пеш-
воз чиқиб: "Бир бурда нон синдириб бе-
ринг?" - дедим. Амаким: "Меҳмоннинг ол-
дига синиқ нон қўйилмайди, тирнанча",
- деб қўли билан мени четга суриб
ўтмоқчи бўлганди, мен ўжарлик қилиб:
"Йўқ, йўқ, берасиз", - деб қулочимни
ёзиб йўлини тўсдим. Шунда ўнг юзимга
бир тарсаки келиб тушди, гўё кўзимдан
ўт чакнагандай бўлиб, юзимни ушлаган-
ча ўзимни четга олдим. Қўрққанимдан-
ми ўша маҳал йиғламадим. Бошим ҳам
гангиб қолганди. Амаким нонни уйга бе-
риб чиқиб, ёнимга қайтиб келди-да, бо-
шимни кўксига босиб: "Кечир укажон,
билмай қолдим", - деди ҳазин овозда.
Шундагина ўзимни тутиб турулмай ово-
зимни чиқармай йиғлаб юбордим. Бу
воқеа бўлиб ўтганидан бери қанчадан-
қанча оппоқ ширмой нонлар томоғимдан
ўтди. Лекин ўша бир бурда зогора нон-
ни деб еган тарсакининг аччиғи юзим-
дан ҳамон кетмайди.

Бир йили ёзда Меликул деган дўстим-
никига йўқлаб бордим. Ғўзалар белга
уриб, шоналаб қолган давр эди. Дўстим
кўч-кўрони билан далага кўчиб кетган
экан. Далага йўл олдим. Чор тараф яшил
пахтазор. Унда-бунда қора уйлар тиклан-
ган. Суриштири-суриштири дўстимнинг
пахта майдонини топиб бордим. Ўзи ҳам,
хотини ҳам эшон келгандай хурсанд
бўлиб қутиб олишди. Аини туш пайти,
қуёш ёндираман деб тепадан олов пур-
кайди. Қора уй ичкарасига кирдик. Ҳо-
л-ахвол сўрашган, дўстим ёнида ўтирган
хотинига нимадир деб шипшиди. Хотини
индамай ташқарига чиқди. Бирдан то-
вуқларнинг қоқоқлаган овози эшитила
бошлади. Боя келганимда ариқ лабида
уйнаб ўтирган 8-10 ёшли ўғил-қизчаси-
га ва 3-4 та товуқ билан битта хўрозга
қўзим тушган эди. Фаҳмладим. Болалар
товуқларнинг бирини ушлаш учун қув-
лашапти. Бир неча дақиқадан кейин қора

уй эшигидан хотини бош суқиб, "чи-
қинг" ишорасини қилди. Дўстим мен-
дан узр сўраб, ташрифим шарофати
билан бир товуқнинг бошини олгани
чиқиб кетди. Кўрпачага қўзилиб қора
уй ичини кўздан кечираман. Ташқи
томони бир аҳволу, ичи дид билан
қўлда тўқилган ва тикилган нақшлар
билан қўнуман безатилганки, оғзин-
гиз очилиб қолади. Бир пайт хаёлла-
римни чил-парчин қилиб дўстим ич-
карига бир қўлида иккита тоштовок,
бирида катта қора тарвузни кўтариб
кириб дастурхон четида қўярган қулиб:
"Бугун сизга бир ош қилиб берайки,
бир умр таъми оғзингиздан кетмасин.
Ҳар ош еганингизда мени эслаб юра-
сиз: «Э, Меликулни оши-ош эди-да
деб», - деди. Унга жавобан мен: "Ош
тирик бўлиши, бўш бўлиши мум-
кин. Лекин тўйнинг ошидай ошни
ҳеч ким қилолмайди. Минг зўр
ош қилсангиз ҳам, кўпнинг оши
бошқача бўлади, аввал ошни
тайёрлаб келтиринг, татиб
кўрайлик баҳо бериш қочмас.
"Нонни катта тишласанг ҳам
гапни катта гапирма", деган
гап бор", - дедим ҳазиллашиб.
Бироз қулишдик. Меликул
тарвузни қисиб мағзини то-
воқларнинг бирига ажрата
бошлади. Тарвузнинг пўсти алоҳи-
да, мағзи алоҳида бўлгач, яна сир-
тини арта бошлади. "Нима қилаян-
сиз?", - дедим хайратланиб. "Ҳозир
кўрасиз", - деди хоҳолаб қулиб.
Кейин сирти артилган тарвуз пўчоқ-
ларини сабзидай қилиб тўғрай бош-
лади. Ошга беҳи, шолғом, саримсоқ
пиёз, кези келганда гўшт ўрнига
тухум солишганини кўрганману, ле-
кин тарвуз пўчоғига ош дамлангани
ни умримда биринчи марта кўри-
шим эди. Масаллик тайёр бўлгач,
хотинини чақирди. Хотинига товоқ
тўла масаллиқни узатаркан,, дўстим
қулиб: "Бизди хотин бор йўғи 8-син-
фни битирган. Отини ёзишда ҳам
хато қилади. Почтачи болалар пу-
лини олиб келса, "сиз олиб бERING,
қўл қўйишни билмайман", - дейди.
Лекин пазандачиликдан баҳоси
"беш". Пешонамдан айланади, доно
хотинга йўлиқдим. Ота-онасига минг
рахмат бунки, - у гапни тугатмай хо-
тини жилмайиб: "Суюманг, дадаси
бўлди, бўлди", - дея масаллиқни
кўтарганча чиқиб кетди. Гап-гап би-
лан бир лаҳзада ош тайёр бўлгани-
ни ҳам билмай қолдик.

Ҳақиқатан ҳам ошнинг таъми
бошқача эди. Мен Меликул билан
ички сир дўст эмас эдим. У билан
шунчаки салом-алик ошна эдик. У
бир бағри кенг, қўли ва дастурхо-
ни очик оддий, ўрта маълумотли
ўзбек йигити. Унинг хотини ўздан
бир қаричлар баян ва тўладан кел-
гани боис, ёнма-ён туришга опа-
қадай кўринишарди. Дўстим овози-
ни баянлаб гапирар, хотини эса
аксинча эди. Ўша куни дастурхон
атрофида ўтирарканмиз, хотинига:
"Нимага сизга бақириб гапирарди,
бир муштласангиз ерга кириб кета-
ди-ю, бунинг керилганига қаранг",
- дедим ҳазиломуз. Шунда хотини:
"Бошда мен ҳам кўниколламадим. Қа-
расам, феъллари шунақа экан.
Кўникиб кетдим. Уйда бир кун
бўлмасалар қулоқ, бурнини қисиб
олгандай бўлиб қоламан. Овозлари
уйимизни тўлдириб туради. Болала-
рининг, менинг бахтимга омон
бўлсинлар", - деди жилмайиб. На-
заримда улар бахтиёр оила эди.
Илоё шундай ҳам бўлсин. Одам бир
яхшини, бир ёмонни унутмайди
дейишади. Биздан фақат ва фақат
яхшиликлар қолсин.

Бу ҳаёт мезбон, биз инсонлар меҳ-
монлигимизни унутмайлик "Меҳмон
атойи худо" деган гап бор. Шу сий-
ловнинг қадрига етиб, яхши ва ёмон
қўнларимизда дийдорлашиб яша-
нимизга не етсин.

Тоҳир НОРИМОВ

Мен мақолани ўқиб қизим Махинга жуда ачиндим. Куёв тўра Махинга жуда кўп озор берибдилар. Аналари, сингиллари ҳам аёл сифатида келинини қўллаб-қувватлаш ўрнига уни дили-

Она ва опалари маҳалла участка инспекторига чиқиб, уни иш билан таъминлаб назоратни кучайтиришни илтимос қилишди. Қилган хатолари учун келиндан узр сўрашди, маънавий ва моддий ёрдам кўрсатишди. Оилада

бўлишади.

Қайнонангизга айтадиган гапим шуки: "Сиз келинингизни ўз ўрнинида ёки қизингиз ўрнига қўйиб кўринг. Ўғлингизни феъл-атворини, хотинига бўлган муомала ва муносабатини, фарзандларига

ФИКРИНГИЗДА ЖОН БОР

Ҳозир никоҳ тўйларида миллий кийимни келинлар кам кийишади. Чунки модадан қолгиси келмайди. Келининг оқ либос кийими куёвларни ҳам шошириб қўймоқда. Даврада

имда ҳам ойдек бўлиб ўтирди. Миллий кийим кийиш айбмас-ку, ахир! Куёв розилик берса, келин оқ либос кийиши мумкин. Бир кунлик тўй, кийим устидан қанча дилчи-

«Тўйларимизга эътибор бериб қарасак» - 51-сон 2003 й.



ЭСЛАТМА: Кейинги пайтларда никоҳ базмларини ихчамлаштириб, ортиқча сарф-ҳарajatларсиз ўтказиш анча йўлга қўйилди. Бу ҳақда матбуот орқали кўпгина фикр-мулоҳазалар айтиб ўтилади. Аммо гуруч курмакис бўлмаганидек, ҳали ҳам ўз бойлигини халққа кўз-қўзлаб дабдаба билан базмлар уюштираётган инсонлар орамизда йўқ эмас.

Муаллиф - Тоҳирисо Абдурашид қизи

ҳамма шарм-ҳаёни йиғиб қўйиб, келиндан кўзларини узмай ўтиришади. Келин юз минглик қўйлақ кийиб нима фойда кўради? Ундан кўра ўша пулга рўзгорига керакли нарсалар олса ёки тўйдан кейин саёҳат қилса бўлади-ку!

Яқинда бизнинг Тўртоғайни қишлоғимизда чиройли тўй бўлиб ўтди. Келинчақ Дилсўз ЗАГСга миллий кийимда борди. "Тунги базмга" ҳам миллий кийимда чиқиб, ҳамманинг олқишини олди. Келинчақ миллий кий-

ралик бўлиб ўтади.

Масалан, биргина келин бир куннинг ўзига 2 та қўйлақ кийимда. Бу билан куёвларнинг мизини ранжитиб қўймоқдамиз. Тўйларимизда миллий кийим кийишни йўлга қўймаскандай бўларкин? Чиройли тўй либослари ҳар қандай қизни янада гўзал қилиши мумкин. Ушбу йилда мутахассислардан келинларимиз учун чиройли миллий тўй либослари қўтиб қоламиз.

Ширин ЖУМАЕВА, Қашқадарё вилояти

ПУШАЙМОН БЎЛИБ ҚОЛМАНГ

"Унга жуда ачинаман" 47-сон-2003 йил.

ЭСЛАТМА: Мен бу оилага келин бўлиб эмас, қиз бўлиб киришни ният қилгандим. Қайнона-қайнона, қайсингилларимни ўз яқинларимдек кўрдим. Аммо, улардан фақат хўрлик, зорлик қайтди. Бу оилада қадрим йўқлигини сезгач турмуш ўртоғим билан ажралишга аҳд қилдим.

МАХИН

ни вайрон қилишибди.

Махин қизим! Ойни ўн беши қоронғу бўлса беши албатта ёруғ бўлади. Зора сизга ҳам ёруғ кунлар кулиб боқса. Сиз қўлингиздан келган барча ишларни қилиб, сабр-тоқат билан яшаётган экансиз. Ота-

онангизга минг раҳмат. Ажралиш жуда осон, лекин фарзандларингиз улайганда, ҳақиқат сиз томонда бўлса ҳам, сизни айблайди.

Сизнинг тақдирингизга ўхшаш икки фарзандли бир оилани билар эдим. Қайнона, икки қайнағачи ва қайсингил биргалашиб иш ёқмас, дангаса, пиёниста, ёлгончи ўғил ва укалари ённи олиб, келинни ёмон отликқа чиқаришган эди. Қарангки, қайтар дунё деб шуни айтишса керак. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай кичкина қизини яъни қайсингилсининг эри ичадиган, урадиган, оилага умуман қарамайдиган бўлиб қолди. Ана шунда келин аҳволини тушунишди. Ўғли ва укалари ноҳақ эканини тушуниб, ичкиликдан қайтариш учун, даволаниш шифохоналарига ётқизишди.

меҳр пайдо бўла бошлади, секин-аста тикланди.

Сиз ҳам ҳаётдан ноумид бўлманг. Ҳозирги кунда маҳалла комитети, хотин-қизлар кенгаши, маҳалла участка инспекторларини ҳуқуқи анча ошган. Сиз уларга мурожаат қилинг. Улар эрингизни қаттиқ назорат қилишса яхши бўлиб кетади. Қайнонангиз ва қайсингилларингиз сизга меҳр билан қараб, сизни тушунишади, деган умиддаман.

Яна бир бор кучингизни йиғиб ишга солинг. Ота-онангизни маҳалла-қўйда қийин аҳволга қўйманг. Қари ота-она қизи фарзанди билан қайтиб келишини кўтариша олмайди.

Агар шунда ҳам бўлмаса, ажралишингиз мумкин. Фарзандларингиз олдида юзингиз ёруғ бўлди. Хали кўрасиз, ажралганингиздан кейин қайнонангиз ва қайсингилларингиз ўз ишидан пушаймон

қилинг. Қайтар дунё дейдилар, ким билади, қиз невараларингизга ўғлингиздек куёв учраб қолса чорани қайдан топасиз? Она сифатида ўғлингизнинг оиласини тиклашга ҳаракат қилинг.

Эрингизга айтадиган гапим шуки: Сиз ўзингизни қўлга олинг. Фарзандларингизни ўйланг. Шу вақтгача қилган хатоларингизни бўйингизга олинг, мард бўлинг. Бундан кейин ёш бўлмасиз, фарзандларингиз қариганингизда сиздан юз ўгирса ўзингиздан кўринг. Хотинингизни авайланг. Бундан кейин ширин сўз бўлиб, лозим бўлса берган азобларингиз учун кечирим сўранг, эрлик ва оталик вазифасини бажаринг. Юрган йўлингиздан вақтида қайтмас экансиз, оиладан ажралиб қолишингиз мумкин. Кейин пушаймон бўлманг.

Раъноноҳ РАХИМБЕКОВА
Тошкент шаҳри
"Беруний" маҳалласи

ИНСОН ШИРИН СЎЗ ГАДОСИ

Мен яқинда 18 баҳорни қарши оламан. Балки катталарнинг ишига баҳо беришим нотўғридир. Мирҳоди ака, ўғлингизнинг ва ана ўша қизнинг кўнгли сўзларига қулоқ тутиб, илжои борица, уни кечирибшга ҳаракат қилинг. Тўғри, ўша қизнинг муомаласи сизга қаттиқ таъсир қилган. Ўша қиз шифокор экан, ахир шифокорлар ўзларининг ширингина муомалалари билан беморларни даволашлари керак эди.

"Муомалангиз чиройли бўлса..." 4-сон

ЭСЛАТМА:

Совчиликка борган қўшимдаёқ бу оиладаги тарбиянинг у қадар яхши эмаслигини сезгандим. Бўлажақ келинимиз кўз шифокори бўлиб ишлайди. Бир кун бошқа бир одамни фамилиясини ёздириб унинг қабулга бордим. Бордим-у, унинг отаси тенги одамларга қилаётган муомаласини кўриб, келин қилиш фикридан қайтдим.

Муаллиф - Б. САЙДАЛИЕВА

Агар сиз ўша қизни кечирмасангиз ўғлингизни ҳам, ўша қизни, қолаверса ўзингизни ҳам қийнаган бўласиз. Шунинг учун у қизни кечирингизини ва келин қилишингизни сўрадинг. Фурсатдан фойдаланиб, ўша қизга ҳам бир илтимосим бор:

Опажон! Сиздан илтимосим шуки, ҳеч қачон инсонларга қўпол муомалада бўлманг! Мен бир оилани билман, уларнинг қизи ҳамшира. Қиз доимо сизга ўхшаб, инсонларнинг кўнглига, юрагига қаттиқ тегадиган, тегса ҳам сира кетмас доғи қоладиган сўзларни айтиб, уларни хафа қиларди. Оллоҳ у қизни кечирмади, оқибатда у бор-будидан айрилди ва уни турмуш ўртоғи ҳам ташлаб кетди. Сиз нафақат яқинларингиздан, балки бегоналардан ҳам ширин сўзингизни аяманг. Шундагина сиз энг яхши шифокор, энг яхши, келин ва энг яхши она бўла olasiz.

Зулфия ЖАПАРОВА.

ҲАР ИШБА ПУХТАЛИК

"Яхшилик" руқни остида газета саҳифасида босилган тўртта мақолани ўқиб қидим.

"Ўзбекистон" телеканали дастурида "Яхшилик" телешоусини пайдо бўлиши кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Айниқса, Лутфинисо Одилованинг "Юзимиз ёруғ бўлди" мақоласи диққатга сазовордир. Қонини йўқотган одамга қон бериб, яхшилик қилган бўлса, унга Оллоҳ қўшалоқ фарзанд берди.

"Агар беминнат яхшилик қилсак, барибир қайтар экан". Баҳодирнинг "Жонфидо қайнона" мақоласи ҳам эътиборга лойиқ. Қайнонанинг келинига қилган меҳрибонлиги "Менинг қоним қанча керак бўлса олинглар", - дейиши чинакам қаҳрамонлик деб биламан. Пойриқда учинчи гуруҳ қони бор одамларнинг юзга яқини келиб кетибди. Келин ҳам, чақалоқ ҳам эсон-омон уйига келди. Бу яхшиликнинг нишонаси эмасми? Ўғилни Азимованинг "Бировга қарз бериш яхши, лекин уни ўз вақтида ололмаса ундан ёмонни йўқ. Аввало қарз берувчи қарз олувчи одамнинг қандайлигини билиши керак.

Орамизда "ишим битунча, эшагим лойдан ўтгунча" қабилида иш юритувчилар ҳам йўқ эмас. Бировга қарз берадиган бўлсангиз, феъл-атворини билиб беринг. Ёлгончи, сўзида турмайдиган одамларга қарз берсан-



"Ҳикмат излаганга ҳикмат-дир дунё" 49-сон-2003 йил.

ЭСЛАТМА:

"Ўтган йили "Темир йўл" касалхонасига тушиб қолдим. Ёнимда энди операциядан чиққан қирқ ёшлардаги бир аёл ҳам бор эди. Қарайдигани йўқлиги учун оқшати, чой-иш едириб-ичириб қўярдим. Суяб етаклаб юрардим. Пул керак бўлса бериб турдим. Бир кун мен шифокорлар кардиограмма қилишга чақирдишди. Қайтиб келсам, сумкам титкиланган, ичидagi пулларим йўқ".

Муаллиф - Т. НОРИМОВ

гиз қўйиб қоласиз. Ўғилни Азизова қўшинининг сўзига ишониб, қарз бериб юборган. Лекин Ўғилни қарз бераётган одамнинг қандайлигини сўраб-суриштирмаган. Натижада асраб қўйган, маблағини қайтариб ололмаган. Агар виждонли, субутли одам бўлса тилхат ёздириб олиб, бирор одамнинг гувоҳлигида қарз бериш керак. Акс ҳолда баззи одамлар қарз олиб: "Мен сендан

қарз олмадим, қани, ҳужжат, далилинг, гувоҳинг борми?" - дейдиганлар ҳам топилади. Қарз олганлиги ҳақида муҳрланган хат бўлиши керак. Иш пишиқ бўлгани яхши. Ўғил оёқ-

салхонага тушиб қолиб, шифокор чақирганида сумкасида пули қолганлигини, қайтиб келса, пули йўқлигини билиб афсус қилади. Ўғилни синглим, бегона жой бўлса, пулни сумкада қолдириб бўладими? Яхши одам бор, қўли эгри одам бор, пайт пойлаб сумкани титиш пайида бўлган одам бор. Хуллас, "Ўзингиз пухта бўл, қўшинингизни ўғри тутма", деган мақолга амал қилсак асло янглишмаймиз. Энди Зокиржонга ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини айттай. Ҳамма одамни ҳам дили пок, тўғри сўз, бағри кенг, саховатли деб бўлмайди. "Узоқни қўзлаб иш туттиш керак. Зокиржон, сен ҳам ҳайдовчини мен каби содда одам деб ўйлагансан, омонати иш қилгансан. Омонати шуки, ойлик маошингни ва ярим йиллик учун берилган қўшимча иш ҳақинг - жами 74 минг сўмини машинада қолдириб кетишинг шошмашошарлик, кетини ўйламай қилинган иш эмасми? "Сал татиллик" қилибсан. Пулинг ёнингидан бўлганида дилинг хотиржам бўлар эди. Ишни пухта қилган одам ҳеч қачон афсусда қолмайди.

Юнус ТОЛИПОВ,
меҳнат фахрийи
Тошкент шаҳри
Чилонзор тумани

ТАБРИКЛАЙМИЗ

ЭЪЛОНЛАР!



Малика опа!
Сизни туғилган кунингиз билан табриклайман. Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, ўқш ва ишларингизда муваффақиятлар тилайман. Сизнингиз Мадина

Жигарбандимиз Дилшоҳон Мансурхон!

Навқирон 18 ёшинг муборак! Оллоҳдан сенга соғлиқ ўқишларингга омадлар тилаймиз. Бахтинг ҳамиша бараом бўлиб, келажатинг порлоқ, умринг узоқ бўлсин. Ота-онанг, опаларинг.

Тошкент шаҳри, А. Икромов тумани

Оққўрғон тумани ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи азиз дўстимиз Баҳодиржон Исроқов! Таваллудингиз қутлуг бўлсин! Сизга узоқ умр, соғлиқ ва ишларингизда ривож тилаймиз. Дўстларингиз.

Меҳрибон онажонимиз Муқаддамхон!

Туғилган кунингиз 53 ёшга тўлишингиз билан табриклаймиз! Умрингиз узоқ бўлсин! Ўзингиз Азизбек Эгамбердиев.

7531 Х/Қ Тошкент шаҳри

Отажонимиз Баҳодир! Онажонимиз Муҳаббат!

Таваллуд айёмингиз билан табриклаймиз! Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Фарзандларингиз Феруза, Шахноза



«ЗУККО» фирмаси ўқув маркази Сизларни замонавий касбларни ўргатадиган турли ўқишларга ТАКЛИФ ЭТАДИ

3 ОЙЛИК - Бичиш-тиқиш. Бир ойга - 6000 сўм. Бисер билан тиқиш - Бир ойга 7000 сўм. Костюм-шим тиқиш 1 ойга 7000 сўм
1 ОЙЛИК - Тикорат ва озиқ-овқат дўконлари учун сотувчилар - 10000 сўм.

Сифатли ўқитиш кафолатланади. Ўқитиш битирганларга диплом ва гувоҳнома берилади.

1-манзилимиз: метронинг "Тинчлик" бекати. "adidas" дўкони ёнида. 2-манзилимиз: "Қозғоситон" кинотеатрининг ичида.
Телефонлар: 42-36-71, 136-24-99.

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар "Оила зинати" Маркази қизларни ва келинчаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида қуйидаги касблар бўйича ўқув курсларини ташкил этди. Марказда кам таъминланган оила фарзандлари бепул ўқитилади.

Ўқув муддати 2 ойлик курслар.

• Бичиш-тиқиш • "Элита" усулида пардалар, чойшаблар ҳам тиқиш • Бисерлардан фойдаланиш тиқиш • Бошланғич компьютер билмилари ҳам (Windows 2000) • Олий даражада торт ва салатлар тайёрлаш • Массаж • Сартарошлик • Косметология • Манжор

Ўқув муддати 3 ойлик курслар

• Миллий кўрпа-кўрпачалар тиқиш • Юм-

шок ўйинчоқлар, бешик кўрпачалари ва ёстиқчаларини тиқиш • Ҳар хил миллий тиқиш ўқув муддати 4 ойлик курслар • Бичиш тиқиш (бошловча учун) • Машинада гул тиқиш (вишилка) • Инглиз тилида Ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. (буқорамалар аҳолидан олади), (амалиётлари билан)

Курсларни битирган ўқувчиларга махсус сертификат берилади. Манзил: "Халқлар Дўстлиги" метроси. Фуқарат қўчаси 1 уй. Мўлжал: Республика спор қўмитаси. Ўқитувчилар малака ошириш институти жойлашган бино 2 қават 202 хона. Телефон: 45-18-42, 98-07-78, 29-28-58

Профессор Эргаш Салимов клиникаси барча турдаги аллергия, бўғин, ошқозон-ичак хасталиқларини, касалманд, нимжон болаларни махсус усулларда даволайди. Бронхиал астма хасталигида гормонал дорилар қўлланмайди. Аллергия касаллиқларни аниқлаб, даволашда турли аллергияларни қўйиб синалади. Иш вақти соат 8 дан 17 гача.
МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент, Ўйғур Хўжаев қўчаси, 4-уй, 10-хона. Автобуслар — 27, 35, 46, 53, 91. Трамвай — 8. 1-шаҳар клиникаси бекати. Тел: 49-43-33, 144-64-30.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА БИЧИШ ВА ТИҚИШ ЎҚУВ МАРКАЗИ «МОХИР ҚўЛАР»

Қуйидаги пуллик курсларга қабул эълон қилади:
— Модели-технолог (бичиш-тиқиш курслари) — 2; 4 ойлик; — Эраклар қўйиш — 2 ойлик; — Аёллар костюми, палтоси, плаши — 3 ойлик; — Даргадла, парда, чойшаб, ёстиқ, дастурхонлар — 1,5; 3 ойлик. Дикват — Ўғир курс: Тўй ва оқшом либослари-2 ойлик (20-25хилдаги ЭЛИТА усулида). Ўй ҳамшираси массааж билан — 2-3 ойлик. Мунчоқлар билан безаклар, кашгалар тиқиш — 2-ой Битирганларга диплом берилади. Қабул қар қўйи (яқин бадан ташқари) соат 10 дан 14 гача. Манзил: Пушкин қўчаси, 7-уй, 3-бизнес мактаби, 4-қават, 524-хона. Мўлжал метронинг "Амир Темури" бекати, Магазин "Top moda". Ўқувчилар учун йилтиз борТел: 133-73-97, 76-66-33, 162-49-85

«ЎКТАМХОН» замонавий ўқув маркази курсларга таклиф этади:

1.Тиқиш-бичиш - 3 ой. Бошловчалар учун 6 ой. 2.Ҳамширлик - 6 ой. 4 ой ўқуш, 2 ойи амалиёт машқулотлари ўтилади. 3.Компютер - 2 ой. Курс WINDOWS-2000, MICROSOFT, OFFICE-2002. Яқна тартибда, кафолатли. Бисер-2 ойлик. 4.Сартарошлик - 3 ой, амалиёти билан. 5.Тиббий массааж - 2 ой, амалиёти билан. 6.Торт ва турли пишириллар-2 ой, олий курс - 1 ой. 7.Парда, чойшаблар, Элита усулида замонавий тиқиш - 1 ой. 8.Сартарошлик (Эраклар учун) - 2 ой. Кашгачилик (машинада вишилка) - 3 ой. 9.Инглиз тили - 3 ой. 10.Зардузлик (Бухоро)-3 ой. Ўқитиш тугатганларга диплом берилади. Ўқишга қабул қар қўйи.

Манзил: Юнусовд тумани 3 маъзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусовд базари орқасида. Тел: 125-97-93, 121-77-72, 125-46-27, 21-17-93. "Ўктамхон" ўқув маркази филиали Қўйраб тумани, Ўнқўрғон маҳалласида 30-урта мактаб биноси ичида.

"Ҳазилат" ўқув курси ўй бекаси ва қизларни ҳунар ўргатишга таклиф этади.

1.Тўқиш - 1 ой. 2.Пазандачилик - 1,5 ой. 3.Парда тиқиш - 2 ой. 4.Тиқиш-бичиш - 3 ой. Тел: 23- 85-63
22-92-44 (соат 10.00 дан 18 гача)

Собир Раҳимов туманидаги 111- урта мактабдан Абдуллаев Дилмурод Йўлдошевич номига 2003 йил, 24 июнда берилган UN0412274 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"Матбуот тарқатувчи" АК Бош директорининг ёрдамчиси Мавлуда Қодировага укаси

МАҚСУДОВ МАМУРЖОН РИХСИЕВИЧнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республикада ҳаво ўзгариб турса-да, ёгингарчилик қутилмайди. Баъзи жойларга туман тушади. Ҳарорат кечаси 0°-5° илик, 2° совуқ, кундузи 7°-12° илик бўлади. Республикада шимолӣ худудларида ҳарорат кечаси 1°-6° совуқ, кундузи эса 2°-7° илик бўлади.

МЕҲРИНГИЗДАН ҚЎЙМАСИН...

Азиз Онажон!

Дунёга келибмизки, сизнинг меҳрингиздан баҳраманд бўлиб, ардоғу эъзозингизда, сиз берган ўғитлар билан вояга етиб, ҳар биримиз ҳаётда ўз ўрнимизга эга бўлдик. Бахтли болалигимиз Сурхон диёридаги Ангор туманида ўтди. Биламанки, сиз ўша азиз ғўшада ҳар кун, ҳар тонгда биз жигарбандларингизни дуо қиласиз. Илоё дуоларингиз қўлласин, Онажон! Турмуш йўлларидан сиздан олис кетарканман, азиз сиймонингиз туширилган суваратингиз ҳамиша ёнимда бўлади. Сизни соғинганимда олиб ҳаёлан сиз-ла сўбатлашаман, дардлашаман.

Отам Абдурахмон ака иккинги 33

йил аҳил яшаб, фазилти оилангизда биз беш нафар фарзандларингиз улгайдик. Бугун 55 ёшингиз оstonасидасиз! Умр йилларингизни ҳалол меҳнат, савоб ишлар, фарзандлар тарбияси ҳамда элу юрт хизматига бағишлагингиз. Отам билан бирга ҳаммамиз-

Қутлов

ни ўқитиб, касб-хунарли комил инсонлар қилиб вояга етказдингиз. Хонадонимизга сизлар орзулаган келинлар келишиб, хизматингизда бўлмоқда. Олти нафар набираларингиз кўнгилдаги қувончларингиздир. Мухтарам онажонимиз Кимёхон Даврозова! Таваллуд айёмингиз қутлуг бўлсин. Биз фарзандларингиз бахтига доимо соғ бўлинг. Отам билан қўша қариб, осойишта умр кўринг. Бизни дуоларингиз қўллаб юрсин, онажон! Қайда бўлмайлик ҳамиша сизга, меҳрингизга таъзимдамыз.

Фарзандларингиз номидан ўғлингиз Олимжон Сурхондарё вилояти, Ангор тумани



АНВАРА ОПАМ БИЛАН ЗОРА ДИЙДОРЛАШСАК...

Ўзим асли тошкентликман Мени 1945 йили Андижон шаҳрига акам Абдуллаев Исмоил ўз уйига меҳмонга олиб кетди. Чунки акам шаҳар судьяси бўлиб ишларди. Оилада 7 фарзанд бўлганлигимиз, ҳамда урушдан кейинги қийинчилик даври сабабли ота-онам мени ва сингилми Мухаббатни ўз фарзанди бўлмаган акам тарбиясига топширади. Мен қизлар Педагогика билиб юртига ўқишга кирдим. Ўша вақтда қизлар алоҳида, йигитлар алоҳида ўқирди. Самарқанддан Дониёрова Анваракон деган келишган, бўйчан, қоматли, узун сочлари майдалаб ўрилган, қорачадан келган, ёшгина қиз адабиётдан дарс бергани келди. Биз у киши билан қўшни турардик. Мен ҳар кун ўқишга Анваракон опа билан бирга борардим. Биз гўёки опа-сингилдай бўлиб кетгандик. Курсдошларимиз Саида, Осиев, Эркиной, Нурхон ҳам Анваракон опа билан жуда яқин бўлиб кетгандик.

Анваракон опа 1947 йили Самарқандга қайтиб кетиши олдида менга уйи манзилни ёзиб берганди. Биз бир-икки бор хат ёзишиб турдик. Уларнинг ўша даврдаги манзили: Самарқанд шаҳри, Радищев қўчаси, 6-уй эди. Кейин турмушга узатилдим.

масдим. Ўшанда тик қараб бақириб, йиғи аралаш гапирдим. Унга кучим етмасди. Унинг қўлида чумолидек кичкина бўлиб қолардим. Ўзимни олиб қочардим. Лекин мени қанақадир номаълум ҳис қийнади. Яна ҳаётнинг зарбасига учрагандим. Мен ҳомиладор бўлиб қолгандим. Олдиниға сездирмасди. Ўзига хос белгилар билан билдира бошлади. Бу орада у хизмат сафаридан келиб мени излаб келганди. Унинг олдида ўзимни ожиз, гуноҳкор ҳис қилиб бўлган иш учун бош эгиб йиғладим, нима кераги бор эди шу ташвишни десам, у истак хоҳишимиз билан бўлган деса бўладими. Ҳушим бошимдан учиб тушди. Наҳот одам шунчалик пасткаш бўлса. Туғилганимга пушаймон едим. Ўзимни ўлдирайми? Энди нима бўлди, дедим. У бўлса: "Жинилик қилма, гинеколог-

кали тушунтириб берганимда ўзгача ҳаёт кечиётган бўлармиди. Тушуниб етганимда ҳам ота-онамни ҳозиргача бир-бирига бўлган ҳурмати учун айтмаганман. Агар айтсам, бир оила барбод бўлиб кетади. Чунки у дадам тарафлама оға-ини. Ушаларни ўйлаб майли нима бўлса бўлди дея қўл силтадим. Лекин мен ҳам бахтли бўлишим керакку. Қолаверса, турмушга чиқадиган вақтим ҳам бўлди. Дадажонимнинг ўзига яраша обрў-эътибори бор. Катта лавозимда ишлайдилар.

Мендайларни бахтли қилганлар учун жаннатнинг олтига эшиги очилар эмиш. Лекин ўша йиғит менга меккан экан, чунки у биргина мени эмас бир неча қизларни абгор қилган экан. Буни кеч сездим. Олдинроқ билганимда умуман гаплашмасдим.

Менинг гапларим айрим мард йиғитларни дилини огритар, лекин шунақа ифлос йиғитлар жамиятимизда жуда кўп. Ишқ-севги, мардлик дея ор-номуси учун курашган мард йиғитлар ҳозир жаннатдадилар. Аллақачон шахид бўлиб кетган экан. Мен бу йиғитни менга берган ваъдасига таяниб мардлик бўлса шунчалик бўлар дебман. Аммо адашибман. Айтганча менинг ҳаётимни барбод қилган йиғит жуда яқин оғаним бўлгани учун унга турмушга чиқа олмадим. Чикмасдим ҳам. Лекин у уйланди. Аммо Оллоҳ уни тўйидан сўнг ҳеч қанча фурсат ўтмаёқ ажрашиб кетишини хоҳлади, жазолади.

Не бўлганда ҳам мен ундай бўлишини истамасдим. Бахт беришини сўрардим. Ёмонлиги учун ҳам

АЁЛ ЗОР БЎЛМАСИН

ни қаро қилиб қўйди. Бўлиб ўтган воқеани маъносига тушуниб етгунимча тўққиз йил умрим ўтди. Дугоналаримнинг келажагдаги орзулари ва ҳаётлари ҳақидаги ширин хаёлларига шерик бўлардим, лекин ўзим бу ҳақда хаёл қилишга ожиз эдим. 14 йил бўлаёптики ушбу машғул қора куннинг қораси ёришмайди. Ўзим ич-этимни еб, охири сал нарсасига асабийлаша бошладим. На ўқиш, на бирор иш мени жалғиз олади. Шу қадар гуноҳим кўпмидики Аллоҳ мени шу тақдирга рўбарў қилди. Менинг ҳам бахтли куним бормикан дея шу 22 чи баҳорга ҳам етиб келдим. Шундай кунларнинг бирида таниш ўртоғимнинг дўсти билан танишиб қолдим. Самимий ва дўстона учрашувимиз тўғрисида олти ой деганда бир-биримизни кўришга муяссар бўлдик. Безатилган дастурхон устида танишув, янги режалар, оилаларимиз ҳақида суҳбат кетарди. Фақат самимий суҳбат эди. У чиройли эмас лекин бўйибаста келишган йиғит эди. Ҳаётда қанча йиғитлар гап отар, қанчаси уйланиш учун совчи юборарди. Лекин менинг юрагимни бирортаси ҳам забт эта олмасди. Чунки мени севишга, бахтли бўлишга ҳаққим йўқдек эди. У йиғит мендан уч ёш катта эди. Онасини вафот этганини айтганча, бутун бир танам ларзага келди. Учрашувдан сўнг ишхонамга, уйга кетма-кет қўнғироқ қилиб нега йўқламайсиз, ёки мен сизга ёқмадимми дерди. Дўст учун унинг чиройи эмас балки қалби гўзал бўлиши кераклигини билардим. Бу берган саволи мени ранжитди. Кейин икки ҳафта ўтиб яна учрашиб қолдик. Суҳбатлашиб кета туриб тез-тез нафас олаётганимни сезиб бетобмисиз деди. Мен унга жавобан: "Йўқ", - дедим. Суҳбат давомида кўп қизлар билан дўстлашганини, ҳаттоки шундай вазият бўлганки ёлғиз кечада қолганимизда ҳам ёмон ниятга бормаганман, кўлимни ҳам теккизмаганман, деди. Бу гапни эшитиб танам музлаб, нимадир дилдан узилиб кетгандек бўлди. Уйга келдимиз ҳаёлим паршон, ўйларим менга тинчлик бермасди. Шу зайдда икки кун ўтди. Ўта қийинчилик билан ўтказдим - худди йиғирма йилдек. Ишга келдим. Мени кутгандек телефон қўнғироғи жириглади. Охишта телефон гўшагини олдим ушбу овоз мени йўқлаб турарди. Қисқа салом-алиқдан кейин ишдан сўнг мен билан учрашиш нияти борлигини айтди. Мен рози бўлдим, чунки мен икки кун давомида эндиги учрашув сўнги учрашув бўлишини ўйлагандим. Яъни фикру ҳаёлим унга дардимни айтиш эди. Кеч бўлишини, тезроқ иш вақтим тугашини пойладим. Ва ниҳоят тугади ҳам. Ишхонамнинг рўпарасида ўша йиғит таксиди мени кутиб турарди. Таксиди кетаётиб қай-



ги оғир бир дардни-юкни қандай қилиб тилимга чиқаришни билмасдим. Бу юк менинг кўксимга пичоқ қадагандек ботарди. Олдин онт ичшини сўрадим. У ҳам жиддий гап эканини билди шекилли, онасининг руҳини қўйиб онт ичди. Мени сизга сиримни айтишимдан сабаб, касалсимиз деганингиз ва сиз бегона бир қизга нисбатан қилмаган ишингизни, менга бегона эмас ўз жигарим қилгани сабаб дедим. Ва ҳаммасини айтиб берди. У менга қарата, "мен сенга ваъда бериб айтаманки мен сенга оқ либос қийдираман", деди. Ҳеч кимга айтмаган сиримни юрагим амрига бўйсуниб айтдим. У жуда ҳам ақлли эди. Мен унинг жавобидан уввос солиб эмас унсиз, ичимдан зил кетиб йиғладим. Кўз ёшларим сел қаби оқарди. Мен эса руҳан энгил тортиб ўзимни еттинчи осмонда ҳис қилардим. Мен ҳам дугоналаримдек ўз ҳаётим ҳақида ширин хаёл сурардим. Ота-онам ёнида мени юзимни ёруғ қилса, унга ҳайкал қўяман дердим. Уни гўёки Аллоҳ томонидан менинг беабиблигим учун юборилган фаришта дердим. Ўзимни сен десам уни 10 бор сиз дердим. У учун ҳамма нарсаси таяёр эдимиз сездирмадим. Икки ой давомида учрашиб юрдик. Ҳеч қанақа шилқимлик, беҳурматлик йўқ эди. Бора-бора бир-биримизга боғланиб борардик. У тез-тез хизмат сафарига бориб келарди. Келгандан мени йўқлаб учрашардик. Мени юрагимни эритишга ҳаракат қилган йиғитлар ичида чиройли, бой-бадавлатлари кўп эди-ю, эрита олмасди. Лекин у бунга эришди, хунук бўлса-да қалбимни забт этганди. Лекин мен сездирмадим.

Аммо инсонни билиб бўлмас экан. Хар доимгидек учрашувимизнинг бирида менга нисбатан ишончни оқлаб бадниятига эришди. Яъни у менга нисбатан ифлос ишини бажарди. Мен уни умуман танимасдим. Йўғлаб, ёлворилишга қарамасдан эришди. Билмадим синамоқчимиди? Лекин мен ҳаммасини айтгандан-ку. Менинг айбим бўлмаса-да кўзига тик қара-

БИР МАРД ЙИГИТГА

айта олмасам йиғитимга суяниб қолгандим. Гинекологларни менга берган маслаҳатларини қулоқларим эшитишини истамасди. Йиғитим аборт қилиш хавфли эканлигини билиб, ўзгача йўлини ахтарарди.

Болодан қутулиш учун оғир иш қилишим керак эмиш. Кўнмадим. Кичкинароқ тўй томоша қилинг дедим. У эса қурбим етмайди, ҳозир шароит тўғри келмайди деди. Мен у учун фарзандимдан воз кечдим. Эҳ, ўша пайт қайтиб келсамки унга бу ёруғ дунёни кўрсатган бўлардим. У учун хавфли бўлса ҳам жонимни хатарга қўйдим. Наркоздан 6 соат деганда ўзимга келдим. Ўйга ўзим юриб келдим. Мен учун ўша кунни югуриб елибди. Сабабини билсам бундай ҳолда одам ўлим билан олишар экан. Шунақанги хўрлигим келдики, нимага шу пайт ўлиб қўя қолмадим. Ҳаёт мени яна зулмат ичида қолдирди. Бундан кейин яна икки ойча яхши гаплашиб юрдик. Лекин мен билмабманки у энди мендан воз кечиш йўлини излаб дўстни орага қўйиб тирноқ тагидан кир ахтараётганлигини. У ўта рашкчи эди. Мени десанг коллектив, дўст-синфдош деган нарсалар, турли байрамлардан воз кечасан дерди.

Ҳақмасига рози бўлдим. Фақат келажиким учун рози бўлдим. Орамизда фарзанд бўлгани учунми энди уни ёру-қўкка ишонмасдим. Одамлар бизга қараб хайрон қоларди. Чунки мен ҳам уни гарчи ҳеч ким қарама-сада рашк қилардим.

Мана орадан бир йилу олтинчи ой кетаяпти. Бир ой бўлаёптики ўзини кўрганам йўқ. У бошқа бир қизга уйланаётганимиз. Наҳот инсон шу қадар тубанликка борса. Бошқа қизлардек "бокира" бўлиб турмушга чиқиб кетсам бўлардику. Лекин мени виждоним йўл қўймаганилиги учун сиримни айтгандим. Лекин хато қилган эканман, ҳозир виждон эмас жигилдон бор экан. Ёшлигимда бўлган ўша воқеани балким ота-онамга тилим билан бўлмаса ҳам хатти-ҳаракатим ор-

ёмонлик қилмадим. Ҳеч кимга чурқ етмадим. Ҳозир бошим қотиб қолган. Менда ҳеч қандай умид-ишонч қолмади. Аллоҳга ўтинаман жонимни ол деб, лекин ҳеч ҳам ўлимга етиша олмаёйман. Мен ҳам хоҳлардим-ки, бир оиланинг бахтли бекаси, вафоли ёр, севилими она бўлишни. Инсон ўзи истамаган ҳолда тақдирнинг кучли зарбасига учраб экан. Ундан қочиб қутула олмайсиз. Мен қўлимга олган қизил гулим ифтор таратиш ўрнига бадбўй ҳид таратса, қўлни қонатса. Мен у гулни авайлаб-асрадим-ку, меҳр бердим қаҳр олдим. Ҳозир шунақа кайфиятдаманки, мен учун барча омад, бахт эшиклари зичлаб ёпилгандек.

Мана менинг дилдошим, сирдошим "Оила ва жамият" сенинг ёрдамингга, маслаҳатингга таяниб, мактубимни вафоли, меҳрли ва яхши одамлар ўқиб менга маслаҳат бериши учун йўлладим. Илтимос, менинг ушбу сўзлар тағига яширинган юрак дардим, мудҳиш тақдиримни босиб чиқарсанг. Шу ўринда бокира қизларга: "Арзимаган моддий қийинчилик учун ўзларингизни бутун ҳаёт давомидаги бахтингизни барбод қилманг. Ота-оналарга эса ҳеч қанча фарзандларингизни айланиб, қизларингизни ёлғиз қолдирманглар. Ўғил болаларга эса ҳеч қанча қиз қабзини синдирманг, у бир гул, у гулни яхши парвариш қилинг, ҳидидан фақат сиз хидланг аммо ташлаб юборманг. Ўзингизми бутун умр парвариш қилинг, деб қоламан.

Мўъжиза яратманг

майли аёл деб,
Шундоқ ҳам бу ҳаёт
ўхшар эртакка.

Қўлингиздан келса
кўрғон бўлинг сиз,
Аёл зор бўлмасин

бир мард эркакка.
Бахтли бўлишни истаган бахтсиз
юртдошингиз.

Моҳира
Қарши шахри

Тасодифан бир йигит билан танишиб қолдим. У учувчилар кийимида бўлиб, кўриниши жуда хушчеҳра эди. Иسمى ҳам жисмига монанд, Рустам экан. Ўзи Бошқирдистон ҳаво йўллари авиакомпаниясида ишларкан. Бу ерга бир мақсад билан ташриф буюрибди. У бир вақтлар кўшни бўлишган Роҳила кампирни кўриб, унга миннатдорчилик билдириб кетмоқчи экан. Афсуски, Роҳила кампир оламдан ўтибди. Рустам унинг қабрини топиб, дуоифотиҳа қилибди. Келинг, Рустамнинг тақдирига оид ибратли воқеадан биз ҳам хабардор бўлайлик...

Рустам оиладаги тўртта ўғилнинг учинчиси экан. У онасидан нимжон туғилибди. Тўрт яшарлигида чиллашир касалига чалиниб, қоқсуяк бўлиб қолибди. Уларнинг ўйлари пасттакина бўлиб, қалдирғоч уй солган экан. Рустам қалдирғочнинг болаларига емиш олиб келганини кўриб, уларга ҳавас қилиб ўтираркан, болаларнинг калака қилишидан кўрқиб, кўчага чиқмай уйда ўтираваркан. У тўққиз ёшга тўлганида, оғирлиги ўн бир килограммдан камроқ экан. Унинг икки акаси ва укаси эса соғлом бўлишиб, мактабда ўқийаркан.

Рустамнинг онаси кўпдан-кўп тижоратга кетиб, унга кўшнилари Роҳила кампир меҳрибонлик кўрсатиб тураркан. Бир кун аяси тижоратдан қайтганида, Рустам иситмалаб ётган экан. Роҳила кампир унинг аясига шундай дебди.

Яқинда автобус бекатида Гулноза исмли таниш қизни учратиб қолдим. Бундан 5-6 йил илгари бир идорада бирга ишлаган эдик. Анчагина тўлишибди. Фақат доимо қулиб турувчи кўзлари ўйчан. Ундан оиласи, ишлари ҳақида сўрадим.

- Эй, опажон, эсингиздами, ўшанда икки ҳасадгўй инсоннинг ёлғон гапи туфайли фотиҳа тўйим бузилганди. Агар бузилмаганида ҳаётим бошқача кечармиди. Ким билсин яна?! Балки тақдир деганларни шудир?! Нима бўлса бўлиб ўтди, лекин ўшандан бери онамнинг тоблари йўқ. Тез-тез юраги хуруж қилиб, азоб беради. Шунга жуда хафа бўламанда! Шу воқеадан сўнг икки йил ўтиб, бошқа бир йигитга турмушга чиқдим. Уч йилга яқин бирга яшадик. Яхши яшаб кетишимиз мумкин эди. Лекин одамлар қизик-да, ёки эримнинг ўзи ҳам галатироқ бўлганиданми билмадим, бир пайтлар фотиҳам бузилганлигини билиб қолиб, бўлар-бўлмагасга гап орасида юзимга соладиган бўлди. Олдинига тишимни-тишимга қўйиб, чидаб юрaverдим. Охири бўлмади, гаплари жонимдан ўтиб кетди, нарсаларимни йиғштириб ойимникига кетдим. Кейин ажрашдик. Ҳозир ойм, укаларим билан бирга яшаяпман. Онамнинг тоблари йўқлиги сабабли, оилани бошқаришни ўз зиммамга олдим. Ишляпман. Хуллас, ҳаётим ёмон эмас, - деди. Ҳали ёшлигини, бутун ҳаёти олдиндалигини, бахти-

ЧИЛАШИР БОЛАНИНГ ТАҚДИРИ



- Болангни дўхтирларга кўрсатмасанг бўлмайди. Бечорани яна бир бор қаровсиз қолдириб кетсанг, ундан айрилиб қоласан.

- Тўйдим шу боладан, - жавоб қилибди онаси. - Дадасига ичкилик бўлса бас. Топганини ишчага сарфлайди. Бу бола ўлса ўлиб қўяқолмади. Ногирон болалар уйига топшириб юбораман.

- Унақа қилма, - койинди Роҳила кампир. - Боланинг уволи бор. Бу чиллашир касалини даволаса бўлади. Боланинг пешонасида нима бор, қаёқдан биласан?

- Керак эмас. Мана учта ўғлим бор. Шуларни катта қилиб олсам бўла-

ди, эрим ҳам нима қилсанг, ўзинг биласан деяпти.

Бир ҳафта ўтмай Рустам қалдирғочлар билан хайрлашди. Шундай бўлдики, Рустам ногирон болалар уйида бир йилча яшагач, уни Қорақалпоғистонга олиб кетишди. Бир йил ичида ота-онаси ундан бирор марта хабар олгани йўқ эди. Янги жойнинг ҳавоси ёқдими, унинг баданига эт бита бошлади. Кўп ўтмай у ногирон болалар уйидан қочиб кетиб, Қозоғистоннинг Уралск шаҳри яқинига бориб қолди. Ўша жойда Тўленбой деган оқсоқол уни дастёр қилиб олди. Ҳарқалай қўй ҳайдаб, уй юмуш-

ларини қилиб, оқсоқолга жуда маъқул тушиб қолди. Оқсоқол уни кечки мактабга жойлаб, худди ўз фарзандлари қатори кийинтириб, улгайттирди.

Рустам жуда зийрак йигит бўлганди. Қаерда бўлмасин, ўзига меҳрибонлик кўрсатган Роҳила кампирни ҳеч ёдидан чиқармасди. Ўзининг ота-онаси эса Рустамнинг тақдири билан умуман қизиқмай, уни унуттиганди. Рустамда ҳам ота-онасига нисбатан ҳеч қандай меҳр йўқ эди.

Рустам ўша қалдирғочлар билан хайрлашган кундан буён йигирма бир йил вақт ўтибди. У Бошқирдистондаги учувчилар тайёрлай-

диган билим юртини битириб, ўша жойда ишлаб қолибди. Уйланиб, уч яшар қизчаси ва хотини билан Уфа шаҳрида яшаркан.

- Бу ерга келиб, ота-онангиз, ака-укаларингиз билан учрашингизми? - сўрадик ундан.

- Йўқ, - жавоб қилди у. - Аммо таниш-билишларни тасодифан учратиб қолиб, жиндай суҳбатлашдик. Тўғриси Роҳила кампирнинг тўнғич ўғлини бозорда кўриб қолдим. У мени таний олмай, ҳайратга тушди. Уйларига таклиф қилди.

Рустам кўзига ёш олди. Худди Роҳила кампир айтгандай, унинг ота ва онасини фарзанднинг уволи урибди. Унинг катта акаси қурилишда ишлаётган тўртинчи қаватдан йиқилиб ўлибди. Яна бир акаси мотоцикл билан КамАЗ машинасини туртиб юбориб, ўша жойда ҳалок бўлибди. Укаси эса ичкиликка берилиб, бир йил илгари касалхонада жон таслим қилибди. Отаси эса бозор атрофида тентираб юрганида, кимдир уни пичоқлаб қўйибди. Онаси ҳам шу кунларда касалланиб, уйдан чиқа олмай ётганмиш. У озиб, чўп бўлиб қолибди.

- Онангизни кўрдингизми? - савол ташладик унга.

- Йўқ, мақсадим Роҳила кампирни кўриш эди. Қалдирғочларни кўрмай кетаётганимга жиндай ҳафаман.

Хулоса шуки, инсоннинг пешонасига нима ёзилганлигини Тангридан бошқа ҳеч ким билмас экан. Ким нимани хор қилса, шунга зор бўларкан. Болангиз ногиронми, касалвандми уни бағрингиздан нарига итарманг. Бир кун келиб, балким Рустам каби пешонаси ярқираб.

Комилжон НИШОНОВ
Андижон шаҳри

ҚИССАДАН ҲИССА

ё кунларни кечирини айтиб кўриниши жаҳлдор, Гулноза эса хомуш эди. Салом-алиқдан сўнг: "Нима бўлди?" - деган саволимга чол: "Менга Холиқ ва Мухтор деган ходимларингизни топиб беринглар, улар билан гаплашадиган бир-икки оғиз гапим бор", - деди. Лекин бутун бинони неча марталаб излаб чиқиб ҳам Холиқ ва Мухтор акаларни ҳеч қаердан топиша олмади. Шундан сўнг бошлиғимизга кирмоқчи бўлди. Аксига олиб бошлиғимиз ҳам хизмат сафарида эди.

ҒИЙБАТЧИДАН

рени қайтаришнинг иложи бўлмапти-да, - деб жавоб берди. У билан хайрлашарканман, ўйланиб қолдим. Йўл бўйи бир пайтлари унинг бошидан кечирган воқеани эсладим. Эндигина 17 ёшга тўлган Гулноза қабулхонада котиба эди. Ота-си вафот этиб, онаси уч фарзанди билан қийналиб қолганлиги учун Гулноза ишга жойлаштишга мажбур бўлганди. Рўзгор тебратиш учун ҳам онасига ёрдам бериши керак эди. Чақонлиги, ишчанлиги ва яхши муомаласи учун кўпчилик ходимларимиз уни ҳурмат қилишарди. Ўз тенги йигитчалар ҳам унинг атрофида парвона бўла бошлашди. Унинг ёшидаги қизлар учун бу ҳолат табиий бўлганлиги сабабли, бу нарсаларга ҳеч ким эътибор бермасди. Бир кун Гулноза бир неча кунга ишдан жавоб беришларини сўради. Сабабини сўрасам қизариб, уялиб уч кундан сўнг фотиҳа тўйи бўлиши кераклигини айтди. Хурсандчилик билан унга бир неча кунги ишдан жавоб бердик. Лекин негадир орадан белгиланган кун ўтса ҳамки у ишга қайтиб келмади. Хуллас 10-15 кун ўтгандан сўнг 65 ёшлардан ошган чол бобо-си билан кириб келди. Чолнинг

АСРАСИН!

Чол ноилж келиши сабабини бизга айтишга мажбур бўлди. Маълум бўлишича Гулноза унинг набираси экан. Яқинда уни унаштириб, фотиҳа тўй кунини белгиланган. Куёв томон совға-саломлар билан барча ҳаражатларни Гулнозаларникига келтириб бериб тўй бошланган. Тўйга келадиганлар ҳам айтилган бир пайтда куёв томондан кимдир: "Бориб бир ишхонасидан сўраб кўринглар-чи, келин ҳақида нима дейишаркан", - деган. Шундан сўнг икки киши бизнинг ишхонамизга келишган. Тасодифан эшик олдида Холиқ ва Мухтор исмли ходимларимиз ўзаро гаплашиб турган эканлар. Ёнларига келиб улардан Гулнозани сўраб, кейин бошлиғи ким бўлса ўша киши билан гаплашмоқчи эканликларини билдиришган. Ўз вақтида ходимларимиз уларга Гулнозанинг бошлиғини кимлигини, қаерда ўтиришини кўрсатиб қўйиш ўрнига, келишдан мақсадни сўраб олишга четга қақириб, гарчи ўзларининг ҳам оила қуриш

бўсағасида турган қизларига куёв топилмаётган бўлса-да, бўлажак келинни шўхрок, олдиға йигитлар келиб туради ва ҳоказолар деб охирини ўйламай ноҳақ айблаб юборишган. Келганлар ҳам иккала ҳасадгўй, ғийбатчининг кимлигини билмай, мақсадини тушушмай оқизмай-томизмай куёв томонга етказишган. Куёвнинг ота-онаси ҳам ҳалол бир қизни кимлардир нотўғри бадном қилиши мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмай, барчанинг олдида эшитган гапларини ҳаммага айтиб тўйни тўхтатишган. Ҳамма ҳайрон, арининг уйи бузилгандек гала-говур бошланган. Аҳволни кўриб Гулнозанинг онаси ҳушидан кетиб, йиқилган.

"Тез ёрдам" онани касалхонага олиб кетган. Шу сўзларни айта туриб чол йиғлаб юборди. Қизининг касал, неварасининг бадном бўлиши сабабчиларини Худога солиб, қарғади. Сўнг, Гулнозани ишдан бўшатиб олиб кетди. Бир неча кундан сўнг Холиқ ака ва Мухтор акалар ишхонада пайдо бўлишди. Ҳамма уларга нафрат билан қарарди. Кейинчалик мен ҳам бошқа жойга ишга ўтиб кетдим. Ғийбатчилардан бири бир неча йил ўтиб ёмон касалликка дучор бўлганини эшитдим, иккинчисини билмадим. Гулнозани эса шунча йилдан бери энди кўрдим. Тўғри, у ҳали ёш. Худо хоҳласа бахти очилиб ўз тенгини топиб кетар. Лекин ҳали ҳаётга кириб келишга улгурмай, бобо-си тенги кишилардан озор чекканини унутармикан?

Лола АХМЕДОВА

АЗИЗ-НЕЪМАТ

Жон сўзи келиб чиқ-
иш хижатдан қадим-
ги Греция новвойлари номи
билан боғланган, улар нонни
тайёрлашда махсус шакли
идиш-товалардан фойдаланиш-
ган. Идиш эса "клибанос" деб
аталган.

- Қадимги Грецияда нонни мут-
лақо мустақил таом ҳисоблаган
ва уни бошқа таомлардан ало-
ҳида танавул қилишган.

- Франция кироли Генрих IV ўз
титлига яна бир ном - нон киро-
ли номини ҳам қўшиб, бу бил-
ан фуқарони ким нон билан
таъминлаганига ишора қилган
эди. Демак, қирол энг улуг ҳук-
мрон ҳисобланган.

- Оттоман империясида новвой-
нинг алдоқчилиги қаттиқ жазоланган.
Уни арқонга боғлаб, ўғирлик моли бил-
ан бирга кўчада сазойи қилганлар.

- Словакияда асал қўшиб қорилган ха-
мидан пиширилган нон, халқ анъана-
сига кўра келинга берилади. У бунди
сандиқа сақлайди ва қизига никоҳ тўйи
кунини ёдгорлик тариқасида беради. Йи-
гирма йилдан кейин уни ейиш мумкин.
Нон асалда қотиб қолмайди.

- Покистонда никоҳ тўйидан олдин кел-
инга йигирма килограмм келадиган нон
ёпиш учун хамир тайёрлаш буюрилади.
Агар хамир кўчмаси, тўй бўлмайди.

- Қадимги Мисрда нон тайёрлаш усу-
ли сир сақланган. Нил водийсида
етиштирилган бўғдой унини сув ва туз
билан шунчаки аралаштиришган. Нон
аралашмаси - хамирни кимдир ёддан
чиқариб, ортобда қолдирган. Шу асос-
да ачиткичи нон тайёрлаш, "кашф"
этилди.

ДАРДЛАРГА ШИФО

Миллар қочиб, тишлар бўшаш-
са, қаттиқ нонни қусир-қусир
чайнаш керак.

- Сарик касалида хоҳ қаттиқ, хоҳ юм-
шоқ нонни анор шарбатига ботириб
ейиш тавсия этилади.

- Ошқозон бузилиб, ич кетса ёки ич-
буруғ касалига чалинганлар ҳар кунини
уч маҳал қаттиқ нон еб, орқасидан бир

КУЁШДАН НУСХА ОЛГАН



п и ё л а
қаттиқ ичишса, шифо
бўлади.

- Қаттиқ нон талқони
қаттиққа қориштириб, ис-
теъмол этилса, дизенте-
рияга даво бўлади.

- Абу Али ибн Синонинг ёзишича, узок
давом этган касалликлар натижасида ки-
шининг ички аъзолари (қон томirlари,
жигари)да тикилмалар пайдо бўлар экан.
Ёки киши иссиқ мижозли бўлса, танаси
доим қизиқ юраркан. Баъзи одамлар
кўпроқ семиршига мойил бўларкан. Ана
шу учун ҳолда ҳақим суви қонган нон-
ни ювиб ейишни тавсия қилади. У ёзади:
"Ювилган нон совитувчи бўлиб,
озиклиги кам бўлади ва у меъдада су-
зиб юради. Бундай нон иссиқ мижозли
одамлар учун яхши бўлиб, тикилмалар
пайдо қилмайди, қизитмайди. Нонни
ювиш қуйидагича: суви қонган нонни
олиб, унинг мағзи иссиқ сувда ювилади,
сунгра устига чиққан сувини тўкиб таш-
лаб ва яхши бўкунча янглаб турилади".

- Кўнгил айнаб, еганни қусиб юбора-
диган ошқозон-
нида биж-

ғиш пайдо бўлган бе-
морларга нонни асалга
ботириб ейиш тавсия
этилган.

- ар-Розий ҳам, ибн Сино
ҳам нонни сутга тўғраб ейиш
кишининг ҳазм қилиш аъзо-
лари фаолияти яхшилани-
ши, ҳамда ранг-рўйи тиниқ
ва чиرويли бўлишини кўп
маротаба таъкидлаганлар.

- Нонни сутга ботириб
ейиш пешоб йўлларидаги
ачишишга барҳам беради.

- Халқ табобатида қанд-
ли диабет касаллигида
жирин нон парҳез қилиб
берилган. Жирин нонни
тайёрлаш учун тозаланган ке-
пакка бироз ун қўшиб (нисба-
тан 4:1) хамиртурушли хамир
қорилди ва оширилган уноғига
ҳам оқ ун ишлатиб ясаб, тандирга
ёпилади. Бундай нон бир сутка сақлаб
тургандан кейин беморга едирилади.

- Ҳар қандай нон тоза
эланган ундан, хамири
яхши қорилган ва меъ-
ёрида кўпчилтилган
(яъни хамир ачиб кет-
маган) бўлиши ҳамда яхши қиздирил-
ган тандирда пиширилса, парҳез бўла-
ди. Баъзилар тандирдан янги узилган
нонни хуш қўрадилар. Тошкентда тўй да-
стурхонага иссиқ нон қўйиш одати бор.
Лекин ибн Синонинг ёзишича: "Иссиқ
нонни ейиш яхши эмас, уни ёпилган-
дан кейин эртасига ейилса, фойдали
бўлади". Негаки, иссиқ нон қизилгич-
ни қуйдириб, порсилдоқ қилиб қўйиш
холлари учраб туради. Бунинг оқибати
эса яхшиликка олиб келмайди. Жуда за-
рур бўлганда, шошиб турганда иссиқ нон-
ни сувга ботириб совитиб ейиш тавсия
этилди.

- Ўта ёғли ва серқувват таомларни кўп
ейдиган одамлар семирб кетадилар. Маъ-
лумки, семирлик ҳам касалликдир. Бундай
касалликларнинг парҳези зогора ва па-
трах нонлардир. Зогора - бу маккажўхори
унидан хамир қориб, пиширилган нондир.
Патрах эса хамирига тўғралган пивз
қўшилган зогоридир.

ҚАЛБЛАРГА ҚУВВАТ

Самарқандда Али деган камбағал меъ-
мор бўлган экан. У бир-биридан гўзал
иморатлар қураб экан-у, усти қийимга, қор-
ни нонга тўймас экан. Қунарлардан бир кун
Али қаттиқ касалга чалиниб, ётиб қолиб-
ди. Табибларга кўрсатибди, шифо тоғмаб-
ди. Фолбинларга фол очирибди, бўлмаб-
ди, қушнотларга учрабди, тузалмабди.

Табиблардан бири Алини ўзи қурган тома-
га олиб чиқибди қўйишди. Али у ерда
ётса, балки дардига даво топар деган гап
қилибди. Алининг дўстлари уни ўзи қур-
ган томага олиб чиқиб қўйишди. Али у ерда
кундузи Осмон билан Қуёшга, кечаси Ой
билан Юлдузга қараб ётаверибди. Қунар-
лар берида шаҳарга қароқчи-ўғирлар бос-
тириб келишди. Шу шаҳарда бир қосиб
Маърифат деган ҳусну жамолда тенги йўқ
қизини улардан беркилиб, томага олиб чи-
қиб қўйибди. Томда касал ётган Алининг ди-
момига ёқимли хид келиб, анна-муна эн-
гил торта бошлабди. Бунинг сабаби, Маъ-
рифат олиб чиққан қонга онаси билан ўзи
ётган Самарқанд нонидан солинган экан-
да! Алига нон берибди. Нондан еган Али-
нинг қунига куч қўшилиб, касали ҳам шифо
топа бошлабди. Маърифатда Алига нисба-
тан илиқлик пайдо бўлибди. Али ҳам Маъ-
рифатга меҳр қўйибди. Бу илиқлик, меҳр
бориб-бориб ишқ-мухаббатга айланибди.
Али аста-секин тузала бошлабди.

Бу орада шаҳар қароқчи-ўғирлардан ҳам
халос бўлибди. Кейин Али ҳам, Маъри-
фат ҳам томдан тушишибди. Иккови бир-
бирини қаттиқ севиб қолишган, тўй
қилиб, оила қуришибди. Али қайтадан
куч-қувватга қориб, янгидан-янги гўзал,
қиройли бинолар қураверибди. Маъри-
фат бўлса бир-биридан чиرويли, ширин
нонлар ётаверибди. Алининг бир-бири-
дан яхши биноларининг донги оламга
тарқалган бўлса, Маърифатнинг бир-би-
ридан сертаъм, мазали нонларининг до-
нги етти иқлимга кетибди. Шундай
қилиб, Самарқанд нони икки ёшни бир
умрга қовуштириб, тинч-омон ҳаёт таъ-
мин этиб, мурад-мақсадга етказибди. Али
ҳозир ҳам кўркам бинолар қураармиш.
Ишдан ҳориб-чарчаб келса, Маърифат ис-
сиқ нон билан қутиб олар экан. Қуёшдан
нусха олган нон Маърифат ва Али қал-
бини ҳамон бирлаштириб турармиш...

Дафна - ҳар бир хонадоннинг,
оиланинг ошхона бисотидаги
зираворлардан бири. Унинг
лотинча номи лаурисидир. Қа-
димги Юнонистонда дафна дарах-
ти жуда муқаддас ўсимлик
ҳисобланган. Юнонлар олимпиа-
да ўйинларида голиб чиққан-
ларни эъзозлаш ва ҳурматлаш
белгиси сифатида дафна новда-
си ва баргларида қилинган
гулчамбар билан қўлаганлар. У
шифобахшлиги билан ҳам қад-
рлиб келинган.

Дафнанинг икки тури: асл
лавр ва Канар лаври мавжуд.
Булар зиравор, хушбуй,
декоратив ўсим-
лик си-

шилади, қулоқ-
нинг шангиллашига ва йиринг
оқишини тўхтатишга ёрдам беради.
Халқ табобатида дафна мойи су-
рункали холесцистит ва ўт-тош хас-
талигида наф беради. Бунда 10-15
томчидан сутга ёки қаттиққа ё чойга
аралаштириб, кунига 2-3 маҳал ичи-
лади. Дафна баргининг сувдаги дам-
ламаси қанд касаллигида ишлатила-
ди. Бунинг учун 2 ош қошиқ майда-
ланган дафна барги (20-40 дона)
400 мл. қайноқ сувга соли-
нади, паст оловда
15 дақиқа

кайнатила-
ди, сузилади ва бир
ош қошиқдан кунига 3 маҳал
ичилади. Дафна барги қайнатмаси
бугига тобланса (ўтирса) пешоб
йўли ва халтаси, бачадон хасталик-
ларида даво бўлади.

Дафна мойи қуйидагича тайёрлана-
ди: дафнанинг баргларида 30 гр. оли-
ниб, 200 гр. кунгабоқар мойида ара-
лаштириб қўйилади, дам берилади,
яъни 6 кун мобайнида сақланади. Ва
дафна мойидан артрит, невралгия
каби касалликларда тавсия этилади.
Дафна мойи, баргининг сариеъдаги
аралашмаси шамоллаганда, бод (рев-
матизм), кўпирда суртма-дори сифа-
тида яхши наф келтиради. Уни диёр-
имизда ўстирса ҳам бўлади. Ўсим-
лик данаги мевасидан ажратиб оли-
нади, кейин экилади. Новдасини пар-
хеш, новда ёки майда илдизларини
қаламча қилиб қўлайтириш мумкин.
Дафна ўсимлиги тахта бочка ёки ёғоч
пақир (челақ)ларда парвартиш қили-
нади. Бунинг учун 3 қисм туپроқ, 1
қисм чиринди туپроқ, бир қисм кум
олинади. Аралаштирилиб, солинади.
Баҳорда кун илиқ бўлиши билан даф-
на хонадан ҳовлига олиб чиқилади.
Кўп суғоришни талаб қилмайди.

Хантал
(горчица)ни ҳамма билади.
Болалар шамоллаганда
қўллалинадиган хантал
қоғози-да деб қўя қолишимиз
мумкин. Аммо, у бир талай ха-
сталикларда ҳам ишлатилади.
Буни ҳамма билвермасе ке-
рак. Бу бир йиллик, бўйи 50
см.га етадиган ўсимликдир.
Унинг поиси тик ўсуви, шох-
ланган, туксиз бўлади. Илдиз
олди ва поянинг пастки бар-
глари патсимон қирқилган,
пояда банди билан кетма-кет
ўрнашган. Гуллари шингилга

сувга солинади. Ўзидан эфир
мойи ажратади. Тана териси-
нинг асаб тоғларига таъсир
этиб ачиштиради ва танани
қизарттиради. Унинг аччиқ фи-
тонциди касал қўзғатувчи бак-
терияларга қирон келтиради.
Хантал миоцит, бронхит, бод
хасталиклариди яхши наф кел-
тиради. Шунингдек, у стено-
кардия (юрақ хасталигининг
бир тури), неврология касал-
ликлариди ҳам ишлатилади.

Табобатда унинг уруғи
қўлланилади. Уруғида эфир
мойи - аллил хантал мойи ва

са, қора турпнинг хантал ку-
ни билан аралашмаси
ажойиб малҳам бўлади. Ма-
бодо, хантал қоғози йўқ
бўлса, (дорихоналарда
бўлади) ўй шароитида тай-
ёрлаш мумкин. Бунинг учун
хантал кукунини илиқ сув-
да куюқ суртма (мазь)
бўлгунча эритилади. Орадан
30 дақиқа ўтгач, тайёрлан-
ган массани юпка қилиб
қоғоз варағига ёки бирор
тўқмага суртилади ва дока
билан ёпиб, оғрик жойлар-
га, танага 10-15 дақиқа

ШИФОБАХШЛИГИ БИЛАН ҚАДРЛИ

Фатида
ўстирилади. Тур-
кияда, Грецияда, Испани-
яда, Жанубий Францияда ва
АҚШнинг Жанубий штатларида
дафнанинг саноат аҳамиятига
эга бўлган майдонлари мавжуд.
Дафна баргининг таркибида
азотли моддалар, эфир мойи,
мой, клечатка, линалоол, эвге-
нол, уксус кислотаси ва валери-
ан кислотаси жо бўлган. Халқ
табобатида дафнанинг меваси-
дан ажратиб олинган мойдан мал-
хам сифатида қўлланилиб, қўл-
оёқ оғригини қолдирувчи омил
сифатида тавсия этилади. Даф-
на мевалари тараңлашган
асабини тинчлантирувчи восита
сифатида қўлланилади. Дафна
фалаж бўлганда, қувватсизлик-
да малҳам бўлади. Янчилигани
кишини акса урдирди, назла
хайдаб, мияни енгиллаштири-
ди. Жигар ва талоқ ишлари-
га, ичак оғриғига эм бўлади.
Барги ва ёғи бош оғригини ях-

ХАНТАЛ ХОСИЯТИ

тўпланган тўп гул. Уруғи май-
да, юмалоқ шакли, оч сариқ
ёки кўнғир. Хантал талқони
қоғозга ёпиштирилади. Хан-
тал XIX асрда Францияда их-
тиро қилинган. Ўша пайтда
хантални "Ригальо қоғози"
деб, уни яратган одам номи
билан аташган. Қадим замон-
да хантал талқонини елим
қўшиб ёпиштиришган эди.
Ҳозир Индонезиянинг Сумат-
ра ўрмонида ўсадиган гевей
дарахтидан қаучуксимон елим
сифатида фойдаланилади.
Бундан тайёрланган талқон
сувда тез эрийди ва дарров
қўкиб кетмайди. Бир млн.
дона хантал тайёрлаш учун 23
кг. соф қаучук кетади.

Хўш, киши танасига хантал
қоғози (горчичник) қўйилган-
да қандай ҳолат рўй беради?
Бу савол кўпчиликни қизиқ-
тиради керак. Маълумки, хан-
тални қўллашдан олдин илиқ

45 фоиз ёғ-мой сақлайди. Бу
ёғ саноат (озиқ-овқат)да ва со-
вун пиширишда қўлланилади.
Сиқиб олинган ёғидан қолган
мойида 12 фоиз ёғ ва 36 фоиз
азотли моддалар сақлайди.
Буни талқонга айлантириб, биз
билган - хантал кукунини ҳосил
қилинади, яъни халқ ибораси
билан айтганда - "горчица".
Хантал кукунини иштахани очиш
учун тавсия этилади.

Ўй-рўзгорда хантал яна
идишларни (ишмал, сирлан-
ган), жунли матолардан ти-
килган кийимларни ювишда
ишлатилади. Ханталнинг эфир
мойи спиртдаги 2 фоизли
эритмаси (хантал спирти дей-
илади) ва хантал қоғози таба-
батда қўлланилади. Шамоллаш
билан боғлиқ бўлган хасталик-
ларни даволашда, ўпка ша-
моллашида, бўғин оғриқлари-
да яхши наф беради. Айнқ-

қўйилади.
Қон босими ошганда (ги-
пертония) хасталигида бош
оғриғи бўлганда хантал
қоғози тананинг бўйин со-
ҳасига қўйилади. Юрак хас-
талиги хуруж қилганда
кўкрак соҳасига қўйилади.


Шамоллашнинг олдини
олиш ва даволашда хантал
кукунидан обзан (ванна)
қилинса фойда қилади. Бу-
нинг учун илиқ сувга (бир че-
лак) бир неча қошиқ хантал
кукунини солинади. Чақалоқ-
ларга хантал қоғози қандай
қўйилади? Шуни ёдда тутиш
керакки, чақалоқларга дока
орқали қўйиш даркор.

Хантал қоғози қўйилган
ҳолда 5-15 дақиқа қўйла-
ди. Тананинг қайси жойига
хантал қўйишни шифокор-
лардан маслаҳат олиш мақсад-
га мувофиқдир.

Саҳифани М.МИРЗАШРИПОВ тайёрлади.

СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ-ЖОНГА ДАВО!

Неча ёшда бўлишимиздан қатъий назар кефир, қатик, творог, қаймоқ ва сут маҳсулотларини ҳаммаша истеъмол қиламиз. Булар ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Сут ва қатик билан деярли ҳамма касалликларни даволаса бўлади. Творог ва қаймоқдан тайёрланган ниқоблар бизга ёшлигимизни сақлаш ва теримизни соғломлаштириш учун ёрдам беради.



ЭНГ ҚАДИМГИ ДОРИ

Сут ва сут маҳсулотлари қадим замонлардан буён тўқинлик, фарвонлик белгиси бўлиб келган. Барча элларда сутни бебаҳо, деярли қадрлаб, мангулик ичимлиги, деб аташган. Чиндан ҳам сутнинг таркибида инсон танасидаги фаолиятни меъёрлаштирадиган 200 дан ортиқ фойдали моддалар бор бўлиб, оқсил, ёғ ва қанд ниҳоятда кўп экан. Инглиз шифокорларининг тадқиқотларига кўра, 25 ёшгача ҳар куни ичиладиган сут танамиздаги суякни мустаҳкамлаб, йиллар ўтган сайин юрак-томир тизимимизнинг бир маромда ишлашини таъминлар экан.

Артрит ва бўғинларда қаттиқ оғриқ пайдо бўлганда: Икки стакан сигир сут, беш чой қошиқ эритилган фоз ёғи ва 10 грамм янчилган қизил қаламбирдан қуйидагича малҳам тайёрланг: Сут қайнаб чиққач, фоз ёғи ва қаламбирни аралаштириб паст оловда 2-3 минут қайнатиб, 2-3 соат совуқ жойда сақланг. Фоз ёғи қотганидан кейин ундан бир ош қошиқ олиб оғриётган бўғинларингизга суриб, устидан юмшоқ рўмол ёки шарф билан боғлаб қўйинг. Бу компрессни ҳар куни уйкуга ётишдан олдин қилганингиз маъқул.

Диққат! Ушбу малҳамнинг таъсири жуда кучли бўлгани учун юраги хаста кишиларга 1/2 чой қошиқда суртиш тавсия қилинади.

Жигарингиз оғриганда: 5-6 та мис тангаларни (қадимий тангалар бўлса яна яхши) яхшилаб ювиб кастриюлкага бир литр сут устига солиб, 5-7 минут давомида паст оловда қайнатинг. У совуганидан кейин тангаларни чиқариб олиб, 1/2 стакандан ҳар куни овқатдан олдин икки-уч мартадан ичинг. Даволаш муддати 3-4 ҳафта.

Болалар йўталида: Икки дона арчилиб тўртта бўлинган пиёз устига бир стакан қайноқ сут қуйиб, пастроқ оловда 10 минут қайнатасиз. Уни икки соатдан сўнг сузиб олиб, бир кунда 1/3 дан уч-тўрт марта ичасиз. Даволаш муддати - уч кундан бир ҳафтагача.

Тумовда: 1/2 стакан сутни бир чой қошиқ пиёз бўтқасига аралаштириб, сузиб олинг. Ҳосил бўлган суякликни ҳар куни бурунга уч-тўрт мартадан томиринг.

Овоз бўғилганда: Ўртача қатталиқдаги сабзини тозалаб, парраклаб ке-

сиб, 0,5л. сутга солиб қайнатасиз. Уни кун давомида оз-оздан ичиб, томоғингизни ҳам чайиб турасиз. Бу амални 10-14 кун давомида ҳар куни қилишингиз керак.

Ошқозонда кислота камайиб кетганда: Бир чой қошиқ асални 1/2



стакан сигир ёки эчкининг қайноқ сутига аралаштирасиз. Совутилган аралашмани кунига овқатдан олдин уч-тўрт мартадан ичасиз. Буни бир ярим ой давомида ичиш тавсия этилади.

Маститда: 1/2 стакан сутни майдаланган оқ қанд билан аралаштириб олча бўласиз. Ҳар бир қисмини докага солиб 20-30 минут давомида кўкрак устига қўясиз. Ушбу малҳамни кунига уч-тўрт марта алмаштирасиз. Бу муолажа тез соғайишингизга ёрдам беради.

Қон босими ошганда: 1/2 стакан тозалаб ювилган картошка пўчоғининг устига совуқ сут қуйиб паст оловда қайнатасиз. Картошка пўчоғи эзилиб пишганидан кейин, уни совутиб, элакдан ўтказинг. Овқатланишдан 40 минут олдин 1/2 стакандан 14 кун давомида ичиб турсангиз қон босимингиз жойига келади.

Псориазда: 1/2 стакан ёғлик сутни 4 дона янги туҳум сариги ва 100 грамм спирт билан қўшиб аралаштириб, оғриқ жойига кунига 1-2 марта сепинг. Бир соатдан сўнг уни сут билан аста артиб олинг.

Фурункулёзда: 0,5 литр қайнатилган сутга 5 чой қошиқ шакар қўшиб совугач, яримта лимоннинг сувини қўшинг. Бу сутни оқ қоринга 40 кун давомида ичинг.

Ошқозон ярасида: 300 грамм қовоқни уруғ ва пўстидан ажратиб бўлақланг. Кейин кастриюлкага солиб устидан бир литр сут қуйиб, устини ёпасиз-да, қовоқ пишгунча паст оловда қайнатасиз. Пишган қовоқни эзиб, яхшилаб майдаланг. Қовоқ ва сутдан ҳосил бўлган аралашмани ҳар куни уч маҳал овқатланишдан олдин истеъмол қилинг. Даволаш муддати 2-3 ҳафта. Бир ойдан сўнг муолажани қайтаришингиз мумкин.



Диққат! Колит, энтероколит ва қовуғида тоши бор ва сут оқсилларини кўтара олмайдиганлар учун сут тавсия қилинмайди.

СУТЛИ ВАННАЛАР

Тери учун:

Нейродермит, яъни, қўл териси қуруқшаб кетишининг олдини олишда: 1/2 стакан сутни 1/2 ош қошиқ ўсимлик ёғи (иложи бўлса зайтун ёғи) билан яхшилаб аралаштирилади. Аралашмани 36-37 С сувли илик ваннага қўясиз-да қўларингизни ботириб ўтирасиз.. Ушбу муолажани бир ҳафтада 15 минутдан 10-12 марта қабул қилсангиз кифоя.

Ёрилган қўллар учун: Ярим литр қайнатилган илик сувга 2 ош қошиқ сут ва крахмал қўшасиз-да, чуқур товоққа солиб, қўларингизни 5 минут ботириб ўтирасиз. Кейин қўлингизни ювмасдан юмшоқ сочиқ билан артасиз-да, бирорта ўсимлик ёғидан сурасиз. Уйкудан олдин қўлингизга глицерин ёки бирор озиқлан-тирувчи крем суриб қўлқоп кийиб ётинг.

Ревматизмнинг олдини олиш учун:

2 литр сутни 1/2 стакан сули ёрмаси билан қўшиб паст оловда 20 минут қайнатинг. Ваннани ярмигача қайноқ сув билан тўлдириб, унга сули ёрмаси аралаштирилган сутни қўйинг. Ваннада 20 минут ўтиргач, 5-7 минут қайноқ душ остида туринг. Кейин пахмоқ сочиқ билан яхшилаб артиб табиий матолардан тикилган кийим кийиб олинг. Буни бир ҳафтада уч марта такрорланг.

Диққат! Юрак хасталигидан қийналаётганлар учун бундай муолажа мумкин эмас. Хушдан кетиб қолувчи беморлар учун бу муолажани 10 минут қабул қилиш тавсия этилади.

КЛЕОПАТРА ВАННАСИ

Айтишларича мазкур ванна муолажаси туфайли Миср маликаси Клеопатра ўзининг ёшлиги ва гўзаллигини сақлаб қолган экан. Бундай ванна терини яшартириб, ажинларни текислайди ва танангизнинг яшаш қувватини оширади.

Бир литр сутни қайнатинг-да, унга 2 ош қошиқ бодом ёки ўсимлик мойини аралаштириб, ваннага ағдаринг. Бу ваннага тушишдан олдин 350 грамм тузга 1,5 стакан қаймоқни аралаштириб терингизни артинг. Ушбу ваннани бир ҳафтада 1 марта қабул қилиш керак.

СУТЛИ ПАРДОЗ-АНДОЗ

Хуснбозарларни кеткизувчи ниқоб: Докани бир неча марта буқлаб қўзингиз учун тешиқ қолдириг-да, қатикча ботириб тозаланган юзга 20-30 минут қўйинг. Дока қуригач уни энди сутга ботириб муолажани қайтаринг. 20-30 минутдан кейин ниқобни ечиб юзингизни аввал илик, кейин совуқ сув билан ювиб ташланг. Буни бир ҳафтада 2-3 марта қилиб, 1,5 ойгача давом эттиришингиз мумкин.

Ҳамма турдаги терилар учун озиқлан-тирувчи ниқоб:

Тўрт ош қошиқ майдаланган бугдой ва бодом магзининг устига бир стакан қайноқ сут қуйиб 5 минут устини ёпиб қўйинг. Шундан кейин уни тозаланган юзингизга суринг. 15-20 минутдан кейин илик сув билан ювиб ташлайсиз. Бу муолажани ҳафтада бир икки марта қилсангиз бўлди.



Сепкиллари оқартирувчи ниқоб:

Уч ош қошиқ сут, 1/2 чой қошиқ эритилган асал, 2 ош қошиқ қарам ва лимон сувини яхшилаб аралаштирасиз. Бу аралашмага докани қўллаб 2-3 минут юзингизни ёпиб қўясиз. Бу ниқобни бир ҳафтада 1-2 марта қилиш мумкин.

Кўз остидаги халқалар ва майда ажинлар учун компресс:

2 ош қошиқ сут ва совуқ чойни аралаштирасиз. Ушбу аралашмага 2 бўлак пахта ботириб сал сиқасиз. Кейин 10 минут қўзингизга қўясиз. Буни ҳафтада 2-3 марта уйкуга ётишдан олдин бажарсангиз, фойдасини дарров сезасиз.

Ёғли ва қазғоққа мойил сочлар учун малҳам:

2,5 ош қошиқ сут, 1/2 стакан спирт ёки ароқ, кастор ёғини аралаштиринг. Аралашмани бош терингизга яхшилаб суринг. Кейин бошингизни селлофан билан ўраб пахмоқ сочиқ билан сиқиб боғлаб қўйинг. Бир соатдан кейин ёғли сочга мўлжалланган шампун билан сочингизни ювасиз.

Умрни узайтирадиган, ёшлик ва саломатлик ичимлиги:

Дунёдаги барча элларда жуда қадим замонлардан бошлаб сут ва сут маҳсулотларининг шифобахш-лигини яхши билишган. Улар орасида айниқса, кефирга тенг келадигани йўқ. Унинг юрак-томир, асаб ва нафас олиш тизимига бўлган давоси беқийсдир. У тез ҳазм бўлувчи оқсил ва маъданларга жуда бой. Диетологлар анемия, ошқозон ичаклари фаолиятини тиклашда кефир ичишни тавсия қиладилар.

Япон олимларининг таъкидлашича, кефир грипп ва рақ касаллигини даволашда катта ёрдам берадиган экан.

Диққат! Агар кефирнинг шифобахш-лигидан баҳраманд бўлишни истасангиз кунига мунтазам равишда 2 стакандан истеъмол қилиш керак.

Қон босими ошганда (гипертония): Бир стакан кефирга бир чой қошиқ майдаланган долчинни (корица) қўйиб аралаштирасиз. 1/3 стакандан кунига уч мартадан 10 кун давомида ичасиз.

Ичининг қотишида: 50 грамм шивит ёки петрушкага озроқ туз сепиб қайнаган сув билан ювиб майдалаб кесиб, бир литр кефир қўшинг, 1/4 чой қошиқ зира аралаштириб 12 соатдан кейин кечкурун 2 стакандан ичасиз. Буни уч кундан бир ҳафтагача қайтаришингиз мумкин. 0,5 литр кефирга 2 ош қошиқ бугдой кепегини аралаштирасиз. Уни 1/2 стакандан овқатдан олдин кунда 4 маҳал ичиш кифоя.

Ошқозон ва 12 бармоқли ичак ярасини даволашда ва хотирани мустаҳкамлашда:

Бир стакан кефирга бир ош қошиқ ўсимлик ёғини аралаштирасиз. Уни кунига овқатдан ярим соат олдин, кунига 2-3 марта ичиш мумкин.

Маститда ва бўғинлар тез-тез оғриганда:

Майдаланган бўрни кефирга солиб бутқага айлангунча аралаштириб уни докага қўйиб оғриқ жойга боғлайсиз-да устидан жун рўмол билан ўрайсиз. Уни 20-30 минутдан сўнг ечишингиз мумкин. Бу компрессни яхшиси тунда қилган маъқул.

Диққат! Афсуски подагра, ревматизм ва рахит билан оғриганларга кефир истеъмол қилиш мумкин эмас.

(Давоми бор.)

Б. САЙДАЛИЕВА тайёрлади.

Яминжон билан хотини Орзухон ҳалол, пешона тери тўкиб ишлайдилар. Аммо бу маош деган нарсаси билан яшаш жуда қийин экан. Кўпчилик бекорга ўзини "чап"га урмас экан. Анчик ичкадай роса пишитиб чўзиб борсангиз, учма-уч кейингисига етиб қолади, бўлмаса йўқ. Аслида маошини олиб кейингисига сарфлаш керак. Бошқалар бошқачадир, лекин Яминжон маош олгунча паққос сарфлаб қўяди. Чунки бирорта улфат билан "аримта"сиз гаплашиб ўтириши қийин. Бироқ одам сўригини йўқотган боладай сезади ўзини, гап қовушмайди, омонат ўтирилади-да. Ушанинг учун кўпчилик пивохонанинг шайхи бўлиб олишган.

Шу, ичкилик деган нарсаси қарши қаттиқроқ курашиш керак ўзи. Бир қарашда савдога, сотувчиларга фойда келтираётганга ўхшагани билан зарари ундан юз баравар кўп. Кишилар қиммат-баҳо соғлиқларини йўқотаяпти, бахтсиз ҳодисалар рўй бераёпти... Чўнтакнинг заволи эканини-ку, қўяверасиз. Бир-икки марта тўйиб, бўкилгандан кейин Яминжон шўрлик ёнидаги пулини санашга қўриб қолади. Санашнинг нима кераги бор юракни сиқиб. Шунинг учун чўнтагига қўл суқса бирор нима илчмай қолгунча жим, писибгина юраверади. Уёғи бир гап бўлар. Фақат чўнтагиди шамол хуштак чалиб қолгач, боши

ПУЛ ХОТИНИНГ ТУРДАН БЎЛДИ

(ХАММА)

гувиллашга тушади.

Бунинг устига, хотини эски катта ашуласини бошлади.

- Ойлигингиз қани? - сўрайди у ўзини голибона тутиб.

- Тугади, - дейди Яминжон тескари қараб қуруқ нон қовшаркан.

- Ие, нега энди тугаркан ойлик олганингизга беш кун бўлмади-ку?

У бечора ойликка бир ой қолгандаёқ тугаганини хаёлига ҳам келтирмайди.

- Тугади - тамом! - дея тўнғиллади Яминжон.

Орада "Жанжал" номли спектакл бошланади. Иштирок этувчилар: Яминжон - салбий қахрамон, Орзухон - ижобий қахрамон, томошабинлар - болалар. Билетсиз спектакл кўрайдиган томошабин, э, йўқ, деворашабинлар чиқиб қолади баъзан. Яъни кўшнилар девордан мўралашади. Парда очилади.

- Хой, менга қара! - дея монологини бошлайди Яминжон бармоқларини чангак қилганча титраб. - Сени эр сифатида боқим керак, а? Ибтидоий жамоа тузумидан қолган бу одат! Хўш, нима учун боқим керак? Жанжал, шовкин-сурон, валавала билан шундоқ ҳам гўзал ҳаётимни беэза туришим учунми?

- Ҳозирги замонда хотинлар ўзини-ўзи боқаверади, - дейди хотини тасрайиб.

- Бор, жўна бўлмаса! Ўзингни ўзинг боқ!

- Нима? Нима дедилар? - масхаралаб тиржаёди хотини қулоғини эрининг оғзига тираб. - Ўзлари туёқчаларини бир шиқиллативорсинлар-чи!

- А, лаббай! Уй меники-ку?

- Ҳеч қанақа сизникилиги қолгани йўқ! Сира уялмай тўрва халтангизни кўтараверинг!

Мана шундан кейин Яминжон нотавон бошини қайси тошга урсин ахир? Хасратлашадигани тагин ўша пиво-ю арақ экан. Кейинги маош ҳисобидан бўкириб-бўкириб "тортади". Ичагон одамга баҳонани Худо беравераркан.

Бироқ Яминжон ҳар кун эрталаб туриб ишга отланаркан, эшикни очишдан аввал қўлини чўнтакка тикканча гезариб анча туриб қолади. Илжи қанча, барибир эшикни очигаша тўғри келади. Чукүр бир хўрсиниб йўлга чиқади.

Кўп вақтдан бери хотини "Пул менда туради", деб тортишиб юради. Яминжон эса кўнмасди. Охири, жонига тегиб рози

ди. Раҳбар одам газетга ўқиб туриши керак деб ўйлади шекилли.

Эрталаб Яминжон ишга жўнаркан, ийиб кетиб қўлига минг сўм берди. У тўрт кун, фавқуллодда ҳодисалар бўлиб қолса, уч кунга етиши керак эди. Аммо зўрға икки кунга етди ҳолос. Хотини ўқраймоқчи бўлди-ю, раҳбарлиги эсига тушиб ўзини зўрлаб босди ва уч юз сўм чўзди...

Яминжон аввал хотинининг қўлига қарам бўлиб қолганидан эзилиб юрсада, бора-бора ўзини енгил сеза бошлади. Пулининг тугаб қолишидан умиман кўркмай қўйди. Гўё хотинига бериб қўйган маоши бир йилда ҳам тугамайдиганга ўхшарди. Дўпписи чаккада, яримта, кайфияти хуш. Ҳар кун улфатлари билан улоқиб кетади. Ёшлиғида эсида қолган икки мисра "Менинг икки онам бор, иккиси ҳам меҳрибон" деган шеърни хиргойи қилиб қўяди. Хуллас, гарданини ғарт-ғарт қашлаб, қўрагининг ёлини тараб юрибди-да-е.

Аммо энди эр-хотин ҳар кун эрталаб ишга жўнарканлар, шўрлик хотини эшикни очишдан олдин катта кармонини титкилаб анча туриб қолади ва чукүр хўрсиниб қўяди.

ЭРКАК ХЎРДА

Бу ноёб таом ҳаётда бир-икки мартагина тайёрланади ва шунинг учун уни пишириш кўп чам, ҳамда фикрлаш (Аёлларга маслаҳат) қилади. Агар эркекнинг териси тўйгача шилиб олиниб тўрт-беш ой мариноват қилиб қўйилса, эркек хўрда ниҳоятда яхши чиқади. Аммо. Гарчи асраш қийин бўлса-да, бир умр еб юриш учун хом, янги эркек масаллиги ҳам ярайверади. Агар эркек узоқ вақт бўйдоқ яшаган бўлса, аввал ундан озодликнинг ўткир ҳидини йўқотиш зарур. Тўй олдида бўлса-да, уни яхшилаб хўллаб адёл тагида ушланса яхши бўлади. Бунда духовка ўчган

бўлиши керак.

Эркек хўрда учун ҳамма турдаги эркек: семиз лаҳм гўштлими ёки мутлақо ёғсизми, ярайверади. Нафис эркек хўрда турмушнинг гўшт қиймалагичига бардош беролмайди ва чандирга айланади. Биринчи марта яхши пиширилмаган эркек хўрдадан бошқа бека фойдаланиши мумкин. Аммо, одатда, бундай расмийлаштирилмаган эркек хўрда томоққа кўп тикилади, хазми қийин.

Агар эркек хўрдадан спирт ҳиди келса, ундан қолган терисини яна шилиш, кўп намламай диванда мариноват қилиб



қуриш керак. Лекин ҳаммасидан яхшиси, кўрагидан. Курагидан ва бошқа жойларидан бир чимдим, бир чимдим гўштини узиб олиш лозим. Эркек хўрда сасиб қолмаслиги учун вақти-вақти билан шамоллатиб, формага солиб қиздириб меҳмонлар дастурхони-

га тортиб туриш тавсия этилади.

Ажойиб эркек хўрда тайёрлашда масаллиқни жуда пухта танлаш зарур. Ҳаммасидан осони, албатта, эркекни юз метрлик сосискага айлантириб йўл-йўлакай чайнамай еб юриш ёки хушхўр зираворлар қўшиб гўшти илвираб пишган овқат тайёрлашдир. Бироқ ҳақиқий ҳисоб-китобли бека эркекнинг ҳаммаёғи-суягидан миясигача фойдаланиб, ўзига ажойиб тансиқ таом ва хоҳлаганида бир тишлам-бир тишлам еб юради, умрбод қаравот билан телевизор оралиғида сақлайди. Энг панданда бекалар атрофидаги ҳар қандай эркекдан фойдаланиб тез-тез эркек хўрда тайёрлай оладилар.

Ориф ФАРМОН



Рассом А. ҲАКИМОВ ижодидан лавҳалар.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Оила ва жамият

Фойдаланилмаган қўлёмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.

Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила -133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа компанияси босмахонасида чоп этилади. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти: 20.00
Босишга топширилди: 21.00

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

ҲОМИЙ: «Матбуот таркатувчи» Акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 340. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 18912
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ.
Рассом — Н. ХОЛМУРДОВ.
Навбатчи — Н. ЙҮЛДОШЕВА
Мусаххих — С. САЙДАЛИМОВ.